

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳукукида

УДК _____

Магистратура бўлими

“Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедраси

ЎРАЗБОЕВА МАҲБУБА ҚАДАМБОЙ ҚИЗИ

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА САЁҲАТ ДАРСЛАРИНИ
ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

Мутахассислик: 5A141102-Ўзбек адабиёти

магистрлик диссертацияси

ДАКда ҳимоя қилишга рухсат берилган

Магистратура бўлими бошлиғи

_____М.Эсанов

«_____» июнь 2012 й.

“Ўзбек тили ва адабиёти
ўқитиш методикаси” кафедраси
мудир _____

п.ф.д., проф Р.Ниёзметова

Илмий раҳбар

п.ф.д., проф Р.Ниёзметова

Тошкент

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	
I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА САЁХАТ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ.....	
I.1. САЁХАТ ДАРСЛАРИ АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА.....	
I.2. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА САЁХАТ ДАРСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	
II БОБ. ЁЗУВЧИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА САЁХАТ ДАРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	
II.1.ҒОҒУР ҒУЛОМ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА “ҒОҒУР ҒУЛОМ УЙ- МУЗЕЙИ”ГА САЁХАТ ДАРСИ.....	
II.2. АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА САЁХАТ ДАРСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	
III ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚИ.....	
БОБУРНИНГ “БОБУРНОМА”АСАРИ АСОСИДА РАМЗИЙ САЁХАТ ДАРСИ ИШЛАНМАСИ.....	
ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ.....	
УМУМИЙ ХУЛОСАРАР.....	
ЎЗБЕКЧА-ИНГЛИЗЧА-РУСЧА СЎЗЛАР	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	
ИЛОВАЛАР.....	

ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

КИРИШ

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ: “Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатдан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.

Бир сўз билан айтганда фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-ҳунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда.”¹

Кучли давлатдан кучли жамият сари қадам қўяр эканмиз, айтиш шартки ишларни амалга ошириш олдимизга қўйилган олий мақсадлардан бири эди.

Биз ўз тараққиётимизни ўз қўлимизга олиб, азалий кадриятларимизга суяниб, шу билан бирга, тараққий топган давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, мана шундай олийжаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, еркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютиқларимизни халқаро жамият тан олгани – бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустақиллик берганини президентимиз алоҳида мамнуният билан таъкидлаганлар.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда ислохатлар, ўзгаришлар, туб бурилишлар юз берди. Бу янгиликлар Президентимиз И.А.Каримов раҳнамолигида амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ўқувчи ёшларга сингдириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз– ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон.2010. 48-б

хисобланади. Бу ишни амалга ошириш эса адабиёт ўқитувчисининг зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам “Академик лицейларда адабиёт ўқитувчисининг бош мақсади соғлом, эътиқодли, ахлоқан баркамол, комил инсонни шакллантиришдан иборатдир”², – деб таъкидланади.

Педагогик жараённинг юқори самара берадиган таълим усуллари, технологияларини жорий этиш, замонавий касб-хунар коллежи ва академик лицейларга давр талаблари асосида ёндашиш, дарсга эса янгича усулларнинг лойиҳасини татбиқ этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Янги педагогик технологияларнинг афзаллиги замон синовидан ўтиб, интерфаол дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишда муҳим омил эканлиги ўз исботини топмоқда. Дарс ўтишнинг янги усуллари излаш, янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтиш бевосита мавзунинг долзарблик даражасини белгилайди.

ИШНИНГ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ЁКИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ РЕЖАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ:

Мазкур диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедрасининг истиқбол режасида белгиланган “Тил ва адабиёт ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий-тадқиқот ишлари дастур доирасида бажарилди.

МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ:

Саёҳат дарсларини ташкил қилиш мавзусида бир қанча ишлар амалга оширилган. “Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари” мавзусидаги Жумабой Раҳимовнинг номзодлик диссертациясида саёҳат дарслари қисман ёритилган. Маҳаллий материалларни ўрганиш юзасидан А.Собиров ва К.Ҳамролиевларнинг монографиялари мавжуд. Музей дарсларини ташкил қилиш бўйича С.Усмоновнинг “Адабиёт ва

² Каримов И.А. Юксак маънавият– енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. 23-б

музей” китоби чоп қилинган. Касб–хунар коллежларининг рус гуруҳларида ўлкашунослик материалларини ўрганиш бўйича Т.Ниязметова ва Ў.Мисирўваннинг тадқиқотлари, мақолалари чоп қилинган. Лекин академик лицейларда адабиёт фанидан саёҳат дарсларини ташкил қилиш юзасидан шу кунгача катта иш қилинмаган. Мавзу ёритилиб, синчиклаб ўрганилмаган. Мавзуга доир ўқув қўлланмалар етарли эмас.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ:

Академик лицейларда адабиёт дарслари, синфдан ташқари ўқиш ҳамда мустақил ўқиш машғулотида саёҳат дарсларини ташкил этиш орқали ёзувчи, шоирлар ҳаёти ва ижоди билан ўқувчиларни яқиндан таништириш, сўз санъатига муҳаббат уйғотиш. Ўқувчиларнинг бадиий эстетик оламини бойитиш ва маънавий юксалтириш.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги вазифалар бажарилиши назарда тутилган:

- Адабиёт дарсларида саёҳат дарсларининг ўрнини аниқлаш;
- Саёҳат дарсларининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш;
- Саёҳат дарсларини ташкил қилишнинг илмий-назарий жиҳатларини ишлаб чиқиш;
- Саёҳат дарсларини ташкил қилишда амалга ошириладиган ташкилий ишлар режасини ишлаб чиқиш;
- Ишлаб чиқилган режа асосида тажриба-синов ишларини олиб бориш ва тавсиялар бериш.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ:

Академик лицейларда адабиёт дарсларида саёҳат дарсларини ташкил қилиш ва ўтказиш жараёни.

ТАДҚИҚОТ ПРЕДМЕТИ:

Адабиёт дарсларида саёҳат дарсларини ташкил қилишнинг шакллари, воситалари, метод ва услублари.

ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ФАРАЗИ:

Саёҳат дарсларини ташкил қилиш орқали ёзувчи ва шоирлар ҳаётини, уларнинг бадиий меросини ўқувчиларга ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини шакллантириш.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ:

Сухбат, маъруза, ҳикоя қилиш, муаммоли вазият яратиш, эвристик, ақлий ҳужум, бадиий таҳлил, қиёслаш, таққослаш, тест, савол ва топшириқлар, бхбхб, ким тез ва кўп топади каби бир қанча методлардан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ ИЛМИЙ ЯНГИЛИГИ:

Академик лицейларда саёҳат дарсларини ташкил қилиш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди:

- саёҳат дарслари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;
- дастур ва дарсликлар асосида саёҳат режалари жадвали тузилди;
- саёҳат дарсларини ташкил қилиш асосида адабиёт дарсларининг сифат ва самарадорлигини таъминловчи дарс ишланмалари яратилди.

Илмий тадқиқот ишини ёритишда Президентимиз И.А. Каримовнинг асарларидан, илмий ва назарий адабиётлардан, методик журналлардан муҳим манба сифатида фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТНИНГ ТАЖРИБА-СИНОВ МАЙДОНИ:

Илмий тадқиқот иши Низомий номидаги ТДПУ қошидаги академик лицей.

ТАДҚИҚОТ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ:

Тадқиқот иши кириш, уч боб, тўрт фасл, якуний хулоса ва тавсиялар ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I БОБ. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА САЁҲАТ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

I.1. САЁҲАТ ДАРСЛАРИ АДАБИЁТ ЎҚИТИШНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳатлар амалга оширила бошланди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди.

Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг, фуқароларининг маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳиятига эгаллиги билан белгиланади. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг тақдирини унда яшайдиган инсонлар белгилайди. Жамиятни нурли келажак сари етаклаш ҳам, тубанлик қаърига тортиш ҳам одамнинг қўлида. Шунинг учун ҳам жамият аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолоти бугунги кунда ўта долзарб масалага айланган. “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ”нинг қабул қилиниши ҳам одам омилининг ҳал қилувчи аҳамият касб этганидан далолатдир.

Бу ҳужжатларда ўқувчи шахси ва унинг маънавий камолоти биринчи ўринга чиқарилган. Таълим концепцияси, стандарти, дастур, дарслик ҳамда методик қўлланмалар инсонпарварлик йўналишига солинди. Улар фақат мутахассис тайёрлашга эмас, балки соғлом маънавиятли одам шакллантиришга хизмат қила бошлади. Ёш авлод ақлий-маънавий камолотини таъминлашда уларнинг мустақил фикрлаши улкан аҳамият касб этишини асослаш долзарб илмий муаммога айланди.

Инсоннинг ўзлиги, ўз моҳияти дунёга, ҳаётга, табиатга, одамларга меҳр-муҳаббат асосида ўз оламини, яъни гўзаллик қонуниятларига мувофиқ бўлган оламни ярата олишида кўринади. Бусиз маънавий етук

инсонни шакллантириб бўлмайди. Мана шу оламнинг яратилишида муаллимнинг, ўқитувчининг ўрни бекиёсдир. Ўқитувчи тарихнинг асосий ижодкорини, яратувчисини, яратувчиси эканлигини англаб етган ва муҳими ўз ватани, унинг тараққиёти учун масъул инсонни тайёрлайди. Ҳаётни, одамларни, дунёни севувчи, ижодкор инсонни шакллантириш жараёнини бошқаради. Жараён маҳорат билан бошқарилса, инсоннинг ўзлигини англаш учун негиз яратилади, бериладиган билимлар эса асосий воситалар ҳисобланади. Агар шундай бўлмаса, таълим ўзининг асл қимматини йўқотади. Ўқитувчи келажак авлодга дарс берар экан, уларнинг тарбиясига, таълим олишига дарс ўтиш орқали таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи дарс ўтишда нималарга эътибор бериш керак, қандай ўқитиш, қайси усул ва методлардан фойдаланиш кераклигини яхши билиши лозим.

Бунинг учун уларга педагогика, методика каби фанлар катта ёрдам беради.

Методика – фан сифатида хусусий фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади³. Методика ўқитиш, ўргатиш усуллари, йўллари демакдир. Методика ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш, унда қайси восита ва усуллардан фойдаланиш йўллари, ўқитиладиган маълумотлар меъёрини белгилайди. Методика фанининг бир қанча тармоқлари мавжуд:

- адабиёт ўқитиш методикаси;
- она тили ўқитиш методикаси;
- кимё ўқитиш методикаси ва бошқалар.

Шулардан адабиёт ўқитиш методикаси бадиий адабиётни тадқиқ этади. Адабиёт ўқитиш шартларини ва усуллари илмий асосда ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, гуруҳда ҳамда уйда ўқиш, шунингдек, ўқитиш ва ўқитишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиб ўқув предметининг

³ Педагогика. -//5140000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фани таълим соҳаси вакалаврият йўналишлари учун дарслик. –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2010.386-бет.

мазмунини аниқлайди, мақсад ва мазмунига кўра таълим усуллари ва таълим бериш шакллари яратади. Ўқув предметига доир кўргазмалар куроллар яратади. Ўқувчининг мазкур ўқув предметига тайёрланишга кўйиладиган талабни аниқлаб беради.

“Адабиёт ўқитиш методикаси биринчи навбатда адабиёт ўқитишнинг, яъни адабий таълимнинг мақсади ва мазмуни ҳақидаги фандир. Маълумки, адабиёт таълимнинг турли босқичларида худди бошқа предметлар каби ўсиб келаётган авлод – ўқувчиларга мўлжалланган. Таълим жараёнидаги барча фанларнинг асосий мақсади ва моҳияти ўқувчиларга – ўсиб келаётган ёш авлодда муайян соҳаларга оид билимларнинг асосларини шакллантириш, шуларнинг негизида уларнинг бой маънавий оламини яратишдан иборатдир. Бу вазифани амалга оширишда бадиий адабиёт билан тенг келадиган бирорта соҳа йўқ деб айта оламиз”⁴. Адабиёт ўқитиш методикаси бўлғуси адабиёт ўқитувчиларининг касбий шаклланишлари, дарс жараёнини бошқаришнинг қонун ва қоидаларини ўргатишни, педагогик маҳорат қирраларини ўзлаштиришни мақсад қилиб олган. Адабиёт ўқитиш методикасининг муҳим вазифаси эса ўқувчиларнинг англаш фаолиятини бошқаришнинг самарали йўллари аниқлаш ташкил қилади.

Ўқитувчилар ўқувчиларни ватанпарварлик, меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, ўз она тили ва адабиётини, қардош халқларнинг адабиётини севиш, халқлар дўстлиги, дўстлик руҳида тарбиялаш ҳам адабиёт ўқитиш методикасининг бирдан-бир асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Адабиёт дарсида ўқувчиларга берилган билимни мустаҳкамлаш мақсадида ҳам бошқа фанга доир маълумотлардан фойдаланилади, шу сабабли ҳам адабиёт ўқитиш методикасининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги мавжуд.

⁴ Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2010. 3-бет.

Бу фан таълимнинг мақсади, вазифаси, тартиби ва йўллари кўрсатадиган дидактика, ташқи оламнинг фаолияти ва ҳатти-ҳаракатига, руҳиятига таъсир этиш қонуниятларини ўрганувчи психологик, шунингдек, бадиий адабиётни тадқиқ этувчи адабиётшунослик фанлари билан боғлаб кетади.

Адабиёт фанининг ўзи ҳам тил, тарих, география, мусиқа, тасвирий санъат каби фанлар билан алоқадорликда, узвий бирликда ўрганади ва ўргатилади.

Қадим замонларданок жамиятнинг етук кишилари ўқитиш ишларини ташкил қилишнинг ижтимоий тараққиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган шакллари топишга уринганлар. Ҳозирги вақтда республика таълим муассасаларида ўқитишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:



5

⁵ Хасанбоев Ж, Тўракулов Х, Алқаров И, Усмонов Н. Педагогика. –Т.: Ношир. 2011. 388-бет.

Адабиёт ўқитиш жараёнида дарс ўтишнинг ҳар учала шакл–анъанавий, ноанъанавий, якка тартибдаги шаклларида фойдаланиб дарс ўтиш мумкин.

Анъанавий таълим технологияси муайян муддатга мўлжалланган бўлиб, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилади ҳамда ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия мақсадига эришиш назарда тутилади. Маълум бир қолипга солинган, доимий бир хил тарзда такрорланиб турувчи, таркибий қисмлари (ташкилий қисм, ўтилган мавзунини сўраш, янги мавзу баёни, янги мавзунини мустаҳкамлаш, уйга вазифа) вақтларга ажратилган таълим шаклидир.

Ноанъанавий таълим технологияси марказида эса ўқувчи шахси бўлиб, ўқитишнинг замонавий шакли, фаол ўқитиш методлари ва замонавий дидактик воситаларнинг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсад ва қафолатланган натижага эришишга йўналтирилиши билан характерланади. Бирор бир қолипга солинмайди, ўқитувчининг маҳоратидан, тажрибасидан келиб чиқиб ташкил қилинадиган дарс шаклидир. Бу усулдан фойдаланиш ўқитувчидан катта маҳорат талаб қиладиган, ўқувчиларни дарсга бўлган иштиёқини кучайтирадиган, уларининг билимини янада мустаҳкамлайдиган дарс ўтиш технологияларидир.

Ноанъанавий таълим технологияси анъанавий таълим технологиясидан фарқ қилиб, ўқувчиларнинг билиш имкониятлари ривожланишига шароит яратади, мустақил ишлашларига алоҳида эътибор қаратилади, билиш фаолиятида изланувчан ва ижодий характерга эга бўлади. Мазкур технология қўлланилганда дарс тузилмаси ўзгарувчан бўлади.

Таълимнинг ноанъанавий шаклларига маъруза, семинар, лаборатория, давра суҳбати, саёҳат дарси каби бир қанча дарс турлари киради. Бу дарс турлари бир-бирлари билан кескин фарқ қилади.

Бугунги кунда замонавий ўқув муассасалари фаолиятида ўқитиш шаклларида бири бўлмиш **маъруза**дан фойдаланиш кенг тарқалган. “Лекция (маъруза) “*Lectio*” сўзидан олинган бўлиб, ўқиш дегани маънони билдиради. Дастлабки маърузалар 13-14 асрда Ғарбий Европа университетларида ўқилган бўлиб, тайёр китоблардан ўқилган”⁶. Бугунги кунда маъруза илмий тафаккурни, ўқитувчининг ўзини ва аудиторияни тута олиши, маданияти, чуқур билимдонлигини намоён қиладиган дарс шаклидир. Шунингдек ҳар бир маърузачи ўқитувчи зиммасига маъруза сифати учун жавобгарлик ҳисси, ўз мажбуриятларини чин кўнгилдан бажаришга интилиш, ўқитувчининг ўз фанига, билимларини узатишга, тушунтириш жараёнига қизиқиши, қийин материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларга ёрдам бериш ва бошқа бир қанча вазифалар юклатилади. Академик лицей ва касб-ҳунар таълими амалиётида маърузанинг бир қанча турлари мавжуд:

Маъруза– ҳикоя;

Маъруза– суҳбат;

Маъруза–мунозара;

Оммавий маъруза.

Ижтимоий-гуманитар йўналишдаги предметлар бўйича **семинар** машғулотларини ташкил қилиш кенг қўлланилади. “Семинар” сўзи латинча “*Seminarium*” сўзидан олинган бўлиб, билимларнинг манбаи, ўчоғи деган маънони англатади”⁷. Семинар машғулотларини ташкил этишдан асосий мақсад таълим олувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари ҳамда шу

⁶ Нишонова З.Т. Олий мактаб психологияси. Т.: ТДПУ. 2003. 43-бет.

⁷ Ўша манба. 44-бет.

асосда келажакдаги касбий фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборат.

Семинар машғулоти таълим берувчи раҳбарлигида ўтказилади. Бунда ўқитувчи таълим олувчилар фаолиятини машғулот мақсадига йўналтириб туради, мавзуга оид саволлар юзасидан ташкил этилган муҳокамани хулосалайди. Зарур қўшимча мулоҳазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Семинар дарсида фаол қатнашган таълим олувчилар баҳоланиб борилади.

Ноанъанавий таълим шаклларида яна бири бу **саёҳат** (экскурсия) дарсларидир. Бу дарс синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан тубдан фарқ қилади. Адабий саёҳат дарси ўқувчиларнинг мустақил ижодий тафаккур қобилиятини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Саёҳат дарси таълим-тарбия ишининг бир бўлаги бўлиб, ўрганилаётган объектни унинг турган жойида бевосита кўриб, идрок этиш асосида ўтказилади ва ўқув даргоҳидан ташқарига чиқишни талаб этади. Саёҳат дарси орқали ўқувчилар назарий билимлар билан чекланиб қолмасдан уларни амалиётда ҳам кўрадилар. Ўқувчилар ўқитувчининг назарий билимларидан ташқари экскурсовод билдирган қўшимча маълумотларга ҳам эга бўлади. Назарий билимлари янада бойиб, ўқувчининг мустақил фикрлаши, ёзма ва оғзаки саводхонлиги ошади. Ўз фикрини бошқаларга мустақил тарзда баён қилишда қийинчиликларга дуч келмайди.

Таълим жараёнининг муваффақияти унинг шаклигагина эмас, балки қўлланилаётган методлар самарадорлигига боғлиқ бўлиб, у таълим назариясида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

“Метод”– юнонча “metodos” – “йўл” деган сўзлардан пайдо бўлиб, у, тадқиқ қилиш маъносини англатади”⁸. Методлар бир қанча асосий гуруҳлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз навбатида кичик

⁸ Хасанбоев Ж, Тўракулов Х, Алқаров И, Усмонов Н. Педагогика. –Т.: Ношир. 2011. 356-бет.


гуруҳлар ва уларга кирувчи алоҳида методларга бўлинади. Ўқув-билив фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёнининг ўзи эса ахборот узатиш, қабул қилиш, англаш ва ўқув ахборотларини эсда сақлашни, ҳамда олинadиган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишни назарда тутишни ҳисобга олсак, улар қуйидаги гуруҳларга ажралади:

Биринчи гуруҳ методларига сўз орқали ахборотни узатиш ва эшитиш орқали қабул қилиш методлари оғзаки методлар; ҳикоя, маъруза, суҳбат, дарслик ҳамда ўқув адабиётлар билан ишлаш ва бошқалар;

Иккинчи гуруҳ методларига ўқув ахборотларни кўргазмали узатиш ва кўриш орқали қабул қилиш методлари— кўргазмали методлар: тасвирий, намоёиш қилиш ва бошқалар;

Учунчи гуруҳ методларига ўқув ахборотини амалий меҳнат ҳаракатлари орқали бериш (амалий методлар, машқлар, лаборатория тажрибалари, меҳнат ҳаракатлари ва бошқалар) киради.

Амалиётда кўп қўлланиб келаётган методларни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:



9

Ўқув материални оғзаки баён қилиш методи баён қилинаётган маълумотларнинг тўғридан тўғри таълим берувчининг жонли нутқи орқали идрок қилиниши билан тавсифланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қилади.

Амалий машғулотлар методи, асосан ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкамлаш ва уни амалда қўллай олиш, тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлишни таъминлашга хизмат қилади. Одатда машқ қилдириш деганда илмий билим ва маълум бир иш-ҳаракатни ўзлаштириш ёки такомиллаштириш мақсадида режали равишда ташкил этилган такрорлаш тушинилади.

Таълимнинг кўргазмалилик методидан амалий фаолиятда фойдаланишда намоиш этиш, тасвирлаш ва экскурсия (саёҳат) методи билан иш кўришда таълим оловчиларни турли мавзуларда тасвирий материаллар билан ишлашга жалб этиш муҳим дидактик аҳамиятга эга.

⁹ Хасанбоев Ж, Тўракулов Х, Алқаров И, Усмонов Н. Педагогика. –Т.: Ношир. 2011. 358-бет.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, дарс қайси усул ва метод ёрдамида ўтилмасин, уларнинг барчаси мавзунини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Ёзувчи ва шоирлар мавзулари ўрганилганда мавзуга оид тест топшириқларидан, кроссвордлардан, экскурсиядан фойдаланиш мумкин. Чунки булар дарс самарадорлигини оширишда жуда катта ёрдам беради. Бунда ўқувчи фикрлайди ва изланади.

Иккинчидан, унинг ижодий тафаккури ва нутқ қобилияти ривожланишга ёрдам беради. У хулоса ва умумлашмалар қилишга ўрганиб боради.

Учинчидан, дарс давомида тест топшириқларидан, кроссвордлардан, экскурсиялардан фойдаланиш ўқитувчидан ўз устида янада кўпроқ ишлашни талаб қилади.

Тўртинчидан, бу дарсда вақтидан тўғри фойдаланишга ёрдам беради.

Бешинчидан, дарсда тест топшириқларидан, адабий экскурсиялардан, турли хил методлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини янада кучайтиради.

Олтинчидан, ўқувчи учун бу дарс қизиқарли ўтади, у дарс давомида фаол бўлиб боради.

Ноанъанавий дарс шакли бўлган адабий экскурсия дарслари ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, оғзаки нутқ, ёзма саводхонлик ва бошқа қобилиятларини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Академик лицей ўқувчилари XIV-XIX асрлардаги ҳаёт фойдаланган асарларни ўқиганларида, у даврдаги моддий, маънавий ҳаёт ҳақида тўлиқ таассуротга эга бўлмайдилар. Уларда шундай тасаффури ҳосил қилишда, дарсни экскурсия усулида олиб бориш ёрдам беради. Масалан: тарих музейига, адабиёт музейларига саёҳат уюштирилади. У ерда ўқувчилар ўтмиш маданий ёдгорликлари, меъморчилик, ҳайкалтарошлик асарларини, тасвирий санъат намуналарини ўз кўзлари билан кўрганларидагина хотираларида яхши сақланиши мумкин.

Шу ўринда адабиёт дарсининг тарих билан чамбарчас боғлиқлиги яққол намоён бўлади. Тарих дарсларида асосан ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ўрганилса, адабиёт дарсларида айнан шу даврдаги адабий муҳит, шоир ва адиблар ижоди ўрганилади.

Биз биламизки, адабиёт ўқитувчисининг вазифаси аввало ўқувчига одоб-ахлоқ, ватанга муҳаббат, юртга садоқатли бўлиш каби туйғуларни шакллантиришдир. Ўқувчиларнинг фан асосларини пухта эгаллашларида, фанлараро алоқаларни мустаҳкамлашда, ўлкамиз ўтмишини чуқур ўрганиш ва шу асосда бугунги кун воқеа-ҳодисаларини теран мушоҳада қилиш, ҳамда эртанги кунимизга зийраклик билан назар ташлашга одатлантиришда; Ватан равнақи ва қудрати, эл фаровонлиги йўлида баракали меҳнат қилишга даъват қилишда адабий экскурсия ўзининг кенг имкониятлари билан ажралиб туради.

Адабий экскурсияни лицей маъмурияти, ота-оналар билан келишган ҳолда Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга уюштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. У ердаги гўзал тарихий ёдгорликлар ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Ўқувчиларнинг тарихий обидаларни ўрганишга, уларни асрашга бўлган рағбат янада ошади. Шундай буюк инсонларнинг авлоди эканлигидан фахрланиш ҳиссини туяди.

Саёҳатдан қайтганидан сўнг албатта, таассуротлар билан ўртоқлашадилар. Кейин сафар таассуротлари, у ерда кўрган меъморчилик, санъат обидалари ҳақида иншо ёздириш мумкин.

Умуман, адабий экскурсия дарслари ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Дарсларни назарий ўрганиб туриб, уни амалиётга тадбиқ қилинса, ўқувчи яхши ўзлаштиради.

1.2. АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА САЁҲАТ ДАРСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Азал – азалдан баркамол авлодни тарбиялаш бутун башариётнинг энг юксак орзуларидан бири бўлиб келган. Бундай орзудаги одамлар азалий маърифатга тааллуқли юртларнинг донишмандлари ҳисобланганлар. Уларнинг орасида бизнинг серкуёш заминимизда яшаган аجدодларимизнинг ўз ўрни бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингани ҳақиқатдир.

Хўш, баркамол авлод қандай тарбияланади, қачон у баркамол дейилади?

Бу ўринда Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаймиз.

“ Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало онги, ҳуққ-атвори, ўзгалар ибрат оладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз”¹⁰.

Баркамол салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида қабул қилинган “ Таълим тўғрисида ” ги Қонун ва “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ни ҳаётга тадбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланади.

Таълим-тарбия тизими кадрларнинг янги авлод тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳадир.

Таълим стандартлари қабул қилиниши таълимнинг зарур ва етарли даражаси ҳамда ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини ҳам белгилаб беради. Айтиш жоизки, давлат раҳбари И.А.Каримов: “Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришга асос солишимиз керак ”,- деб таъкидлайди.

¹⁰ Каримов И.А. “ Тарихий хотирасиз келажак йўқ ” “ Мулоқот ” журнали 1998-йил, 5-сон.

Бу вазифани адо этишнинг асосий юки адабиёт фани зиммасига тушуда. Чунки адабиёт ўқитишнинг асосий мақсад вазифаларидан бири ҳам, ўқувчиларнинг кенг дунёқараш ва тафаккур кўламини ҳосил қилиш, бадиий адабиётлар тилини ва уларни тушунтириш, таҳлил эта олишга ўргатишдан иборат. Бу асосий бурчни бажаришда саёҳат дарсларининг ҳам аҳамияти катта. Саёҳат дарслари бошқа дарс турларидан, синф-дарс тизими, шунингдек, амалий машғулотлардан тубдан фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат бўлади:


- таълим берувчи режалаштирилган ва ўтказиладиган барча саёҳатларга раҳбарлик қилса ҳам, у саёҳат объектларининг барча деталларини яхши бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолларда махсус тайёргарликка эга бўлган экскурсовод иш олиб боради;

- саёҳат муддати турлича бўлиб, унда доимий ўқув жадвали талабларига амал қилиш масъулияти мавжуд;

- таълим берувчи ёки экскурсоводнинг раҳбарлик усули ва таълим олувчилар фаолияти турлича бўлиши мумкин.

Адабиёт дарсларида адабий саёҳат дарсларини амалга ошириш учун адабиёт музейларига, ёзувчи ва шоирлар уй-музейларига саёҳат дарси уюштириш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ўқув дастурида саёҳат дарси учун саот ажратилмаган. Яъни саёҳат дарслари қайси мавзуда ёки неча соатлиги аниқ белгилаб қўйилмайди. Ўқитувчисининг ўзи мавзулардан келиб чиққан ҳолда саёҳат йўналишини белгилайди.

Саёҳат бир қанча йўналишларда уюштирилиши мумкин:



11


Саёҳат дарсларининг кўп жиҳатдан самарали ўтиши ўқитувчининг ўзига боғлиқ. У ҳар бир саёҳат ўтказишдан аввал аниқ режа асосида мақсад ва вазифаларни белгилаб олиши лозим. Саёҳат дарси 90 минут эмас, балки 2-3 соатгача вақтни талаб қилади. Бу бошқа дарсларга ҳалақит беради. Шунинг учун дарс режасига киритиб, жадвал тузганда саёҳат дарслари инобатга олиниши зарур.

Ўқитувчи саёҳат дарсларини ўтказишдан олдин уни ўтказиш режасини ишлаб чиқиши керак.

Саёҳат дарсларини ташкил қилишнинг ўзига яраша қийинчиликлари мавжуд. Буларни бартараф қилишда ўқитувчидан кучли маҳоратни талаб қилади.

Саёҳат жараёнлари қуйидаги таркибий тузилишларга эга.

¹¹ Хасанбоев Ж, Тўракулов Х, Алқаров И, Усмонов Н. Педагогика. –Т.: Ношир. 2011. 392-бет.



12

Маълумки, академик лицей ўқувчилари ўқишни олий таълим муассасаларида давом эттириши мумкин. Шунга кўра адабиёт дарсларида сўнги ютиқ ва маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Академик лицейнинг таълим йўналиши бўйича хилма-хиллиги (аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология) адабий таҳлилнинг ҳам соҳалаштирилишини, табақалаштирилишини тақозо этади. Албатта, аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий филология йўналишидаги лицей ўқувчилари учун бир хилдаги таҳлил ножоиздир. Аниқ ва табиий фанлар йўналишидаги академик лицейларда мавжуд бадиий таҳлил ўз-ўзича ижтимоий-гуманитар ва хорижий филология йўналишидаги ўқувчилар эҳтиёжини қондирмаслиги мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бадиий таҳлил усулларининг ниҳоятда хилма-хиллигини назарда тутиш ва улардан кўпроқ фойдаланиш тегишли самара беради. Муҳими адабий асардаги асосий унсур ва воситаларни ўқувчилар онгига етказиш, ана шу унсур ва воситаларнинг ўрни ва аҳамиятини ўқувчилар томонидан чуқур идрок этилиши керак.

¹² Хасанбоев Ж, Тўракулов Х, Алқаров И, Усмонов Н. Педагогика. –Т.: Ношир. 2011. 393-бет.

Академик лицейларнинг ижтимоий-гуманитар ва хорижий филология йўналишлари учун адабиёт фанига жами 240 соат ажратилган. Аниқ, табиий ва иқтисодиёт йўналишида бу кўрсаткич 200 соатни ташкил қилади.¹³ Бу соатлар курсларга ажратилган бўлиб табиий, аниқ ва иқтисодиёт йўналишидаги ўқувчилар бир йилда 68 соатдан, ижтимоий-гуманитар ва хорижий филология йўналиши ўқувчилари 80 соатдан адабиёт дарслари ўқитилади. Ўқув дастурига мувофиқ баъзи мавзуларнинг ҳажми катта лекин уларга ажратилган соатлар кам. Ўқитувчи бу соатда мавзунини тўла қамраб олиб тушунтиришга, мавзунини очиқ беришга улгурмайди. Мана шундай пайтда адабий саёҳат дарслари қўл келади. Биз адабий саёҳат дарсларини ташкил қилиш мумкин бўлган адабиёт ва уй-музейлари, зиёратгоҳларнинг тахминий жадвали:

№	Мавзу	Босқич	Ажратилган соат	Саёҳат ташкил қилиш мумкин бўлган жой
1	“Авесто”-Ўрта Осиё халқларининг муштарак ёдгорлиги	1-босқич	2	“Авесто” ёдгорлигига
2	Ҳадислар ва туркий адабиёт	1-босқич	2	“Ҳазрати Имом” ва “Зангиота” масжидларига
3	Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар	1-босқич		Туркистон шаҳрига рамзий саёҳат
4	Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди.	2-босқич	12	“Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи”га
5	Бобур. “Бобурнома”	2-босқич	6	Темурийлар тарихи Давлат музейига
6	XVII-XIX аср биринчи ярми адабиёти	2-босқич	2	“Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи”га (3-қават шу

¹³ Академик лицейлар учун ўқув дастури. Т.: 2000.6-бет.

				даврга бағишланади
7	XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср боши ўзбек адабиёти	2-босқич	2	“Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи”га (4-қават шу даврга бағишланади)
8	Абдулла Қодирий	2-босқич	4	Абдулла Қодирий яшаган ҳовлига
9	Чўлпон	3-босқич	4	“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасига
10	Фитрат	3-босқич	2	“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасига
11	Ғафур Ғулом	3-босқич	2	“Ғафур Ғулом уй- музейи”га
12	Ойбек	3-босқич	2	“Ойбек уй-музейи”га
13	Абдулла Қаҳҳор	3-босқич	3	“Абдулла Қаҳҳор уй- музейи”га

Ҳозирги замон дарсига қўйиладиган талаблардан кўриниб турибдики, ўқитувчи-таълим-ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларини янада фаоллаштириш ва жадаллаштириш дарс самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилidir. Айниқса, ўқув дастурига ижодий ёндошган ҳолда саёҳат дарсларини ташкил қилиб туриш мақсадга мувофиқдир.

Саёҳат дарсини уюштиришда ўқувчиларга режа асосида топшириқлар берилса, ўқувчиларда саёҳат дарсига бўлган қизиқиш янада кучаяди. Ўқувчиларда умумбашарий ёдгорликларга ва касбий санъатга бўлган қизиқишлари ортада.

Саёҳат дарсларига қуйидагича тайёргарлик кўрилади:


- ўқувчилар саёҳат давомида саёҳат бошқарувчисининг гапларини ёзиб олишлари учун (қалам, ручка, дафтар, ўчирғич, чизғич) керакли бўлган анжомлар зарурлиги;
- саёҳат дарси ўқув масканига эълон қилиниши лозим;

- ўқув масканининг деворий газетаси, албомлар учун нусха кўчиришда фотоаппарат.¹⁴

Ўқитувчи томонидан амалга ошириладиган ишлар:

- саёҳат дарси ташкил қилинадиган объектни кўздан кечириш;
- ўқувчиларга музейнинг ички қоидаларига риоя қилишлари ҳақида тушунчалар бериш;
- ўқувчиларга бериладиган топшириқлар режасини ишлаб чиқиш;
- музей кўргазмаси ва воқеалари ҳақида ўқувчиларга маълумот бера оладиган кишилар билан олдиндан танишиш талаб этилади;
- саёҳат йўналиши белгиланади.

Бундай дарслар турли йўналишларда режали равишда амалга оширилади.



Саёҳат дарслари тўғри ташкил қилинса, юқори натижаларга эришиш мумкин. Саёҳат дарсларидан ўқувчиларнинг нималарга қизиқиши, жамоат жойларида ўзини тутиши, уларининг фикрлаш қобилиятини ҳам билиб олиш мумкин.

¹⁴Ниязметова Т, Мисирова Ў. Саёҳат дарсларида ижодий топшириқлар. Маърифат. Т.: 2004. № 39. 14-бет.

Бир йил давомида икки маротаба саёҳат дарсини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кино ва театрларга саёҳат қилинса, улардан ўқувчилар маънавий озука оладилар. Театрларда болалар ёшига мос ва хос лавҳалар кўрсатилса, улардан тегишли хулосалар олишади. Яъни ёмон иллатларни йўқотадилар, яхши ишларни бажаришга ҳаракат қилишади. Кўп ўқувчилар бунинг уддасидан ҳам чиқадиладар. Шўх болалар ёмон одатларини қилмасликка уринади. Адабиёт ва ёзувчи уй-музейларига олиб борилганда эса, ёзувчилар ҳаёти билан қизиқиб, унинг асарларига бўлган қизиқишлари янада ортади. Ўқувчилар ёзувчи ва шоир ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўладилар. Чунки маълумотларни эшитгандан кўра кўпроқ, воқеалар содир бўлган жойларни кўриб, минглаб китобхонларнинг меҳрини қозонган асарларининг шу хонада дунёга келганлигини, уларнинг ёзилиш тарихини ўша пайтдаги ёзувчи ҳолатини чуқур ҳис қилади. Музейдаги ёзувчининг илк асарлари, китобларини балки, уларнинг қўлёзма нусхаларини ҳам кўришлари мумкин.

Инсон энг аввало ўзи туғилиб ўсган ўлкасини яхши билиши, қолаверса, ўз ўлкаси, ўз қишлоғи ҳақида маълумотга эга бўлмоғи шу ўлканинг адабиёти, тарихи, маданияти, урф-одатлари, миллий қадриятлари, шунингдек, тоғ, дарё, дала, боғ, денгизи ҳақидаги маълумотларни билмоғи лозим. Дарҳақиқат, жонажон ўлканинг бой ўтмишини ва мавжланиб турган табиати, урф-одати, миллий қадриятларини ўрганиш орқали ўқувчиларнинг билим доираси кенгаяди. Ўқувчиларда ўз она юртининг бой меросига бўлган меҳр-муҳаббатлари камол топади.

Ўлканинг диққатга сазавор жойларга саёҳат дарси ташкил қилинганда ҳам ўқувчиларнинг ёши, руҳияти ва қобилиятига эътибор берилиши, ўлка (шаҳар, вилоят, туман) нинг тарихини ўрганишга бўлган қизиқишни таъминлайди. Маълумки, ўқув материалларини самарали ўзлаштиришда мустақил бажариш учун бериладиган

топшириқларнинг роли каттадир. Матнлар устида ишлаш, унда иштирок этган шаҳар, вилоят ёки туманга оид сўзларни ажратиб олиш ва улар иштирокида кичик матнлар яратиш яхши натижа беради.

Адабиёт дарсларида ўлканинг диққатга сававор жойларига саёҳат қилиш жараёнида фанлараро алоқа мустакамланади, ўқувчиларни маънавий баркамолликка эриштиради, жисмоний жиҳатдан бақувват ва соғлом ривожланишга ёрдам беради. Соғлом яшаш учун экологик муаммоларни бартараф этиш, табиатга шавқат билан муносабатда бўлиш орқали ўқувчиларда эстетик тарбия тараққий этади.

Ҳамид Олимжоннинг китобхонларга яхши таниш “Ўрик гуллаганда” шеърини оладиган бўлсак, ушбу асарни ўрганишда ҳам саёҳат дарсларидан фойдаланишимиз мумкин.

Деразамнинг тагида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади,
Новдаларни безаб ғунчалар
Тонгда айтди ҳаёт отини.
Ва шаббода курғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини...

Шеърни ўқиган ҳар бир киши аввало илк баҳорни, эрта тонгни кўз олдига келтиради. Ушбу шеър ўтилаётган пайтда ҳам болаларни табиат қўйнига олиб чиқилса, ўша ерда шеърда келтирилган тасвирий воситалар, ўхшатишлар изоҳланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Музейларга саёҳат қилиш имконияти бўлмаса компьютер хотирасидан, видео ҳамда суратлардан фойдаланиб, рамзий саёҳат ташкил қилиш мумкин. Бу методдан фойдаланиб ҳам юқори натижаларга эришиш ҳамда, ўқувчиларнинг адабиёт дарсларига бўлган қизиқишларини янада кучайтириш мумкин.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Мустақил фикрлашда эса музейларга уюштирилган саёҳат дарсларининг ўрни каттадир.

Саёҳат дарси ўқувчиларнинг мақсад ва ниятларига, шижоат, журъат ва жасорат билан эришишга ундайди. Ўқувчининг фаоллиги ошади. Адабий экскурсия деганда фақатгина кўриб қайтиш эмас, балки ўқувчи кўрганларини гапириб бериши, синфда атрофлича муҳокама қилиниши зарур. Бу ўқитувчидан ҳам ўта билимдонлик ва ташкилотчиликни талаб қилади. Ўқитувчи ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бера олиши, уларни атрофлича баҳслар ўтказишга жалб қила олиши зарур. Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш, халқимизнинг миллий ва умумбашарий бойлиги, аجدодларимизнинг мероси билан ўқувчиларни мунтазам равишда таништириб бориш, ҳар бир педагог-тарбиячининг асосий дастурига айланиши зарур. Шундагина тарбияланувчилар қалбида ўзлари туғилиб ўсган юртга, ватанга бўлган меҳр-муҳаббати амалий жиҳатдан янада камол топади.

II БОБ. ЁЗУВЧИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА САЁҲАТ ДАРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш бадиий ижод, хусусан, бадиий адабиёт ривожига ҳам давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Мустабид тузим даврида номлари, асарлари таъқиқлаб қўйилган ёзувчи ва шоирларимизнинг хотираси эъзозланиб, уларнинг адабий мероси қайтадан тикланганлиги, таваллуд саналари кенг нишонланиб келинаётганлиги, нашриёт ва босмахоналарда, газета ва журналларнинг моддий-техник баъзаси мустаҳкамланиб, нашр ишлари замонавий талаблар асосида йўлга қўйилаётгани, адабиёт аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги амалий ишлар бу фикрни яққол тасдиқлайди. Президентимиз Ислом Каримов адабиёт соҳасини ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан бир қанча ишларни амалга оширди. Бугунги кун ёзувчи ва шоирларимизга катта масъулият юклади. “Мен шоир ва адибларни доимо жамиятнинг олдинги сафларида юрадиган, ҳаётни кузатиб, одамларнинг юрагида, дунёкарашида бўлаётган ўзгаришларни ҳаммадан аввал сезиб, уларни таъсирчан образлар, ёрқин бадиий бўёқлар орқали маҳорат билан ёритиб бера оладиган, эл-юрт учун қуюниб яшайдиган фидоий инсонлар деб биламан...

Ёзувчилар “Эй одамзот, кўзингни оч, сен нима учун яшаяпсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қилаяпсан?”—деган саволни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади...

Биз шоир деганда аввало Алишер Навоийдек беназир зотларни, ёзувчи деганда Абдулла Қодирий, Ойбек сингари ўз халқи учун ноёб истеъдодли, айна пайтда бутун ҳаётини бағишлаган буюк ва мўътабар

инсонларни тасаввур этамиз”¹⁵. Бу шоир ва ёзувчиларимиз халқнинг турмуш тарзини, уларнинг бой тарихини, орзу-истакларини куйлаган. Улар билан ҳамнафас бўлган. Лекин шўро даврида уларнинг ижоди кораланди, баъзи ижодкорларимиз халқ душмани сифатида қатл қилинди. Улар яратган асарлар нашриётлардан олиб ташланди. Мустақиллик шарофати билангина ёзувчи ва шоирларимизнинг номлари тикланиб абадийлаштирилди, асарлари яна дунё юзини кўра бошлади. Улар яшаган уйлар кейинчалик адибларнинг уй-музейларига айлантирилди. Бешёғоч майдонидаги “Ғафур Ғулом уй-музейи”, Юнус Ражабий маҳалласидаги “Абдулла Қахҳор уй-музейи”, “Ойбек уй-музейи” бунга мисол бўла олади. 1968 йилда Ҳамид Сулаймон томонидан ташкил қилинган “Алишер Навоий номидаги давлат музейи” га ҳам алоҳида эътибор берилди. Музей раҳбарияти томонидан музейдаги манбалар янада бойитилган.

Алишер Навоий кўчасидаги йўл юзида жойлашган адабиёт музейи олдида Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаган бўлиб, музей тўрт қаватдан ташкил топган. Бу ерда адабиётимизнинг барча даврларига хос бўлган қимматли маълумотларни, асл қўлёзма нусхаларни, ижодкорларимизнинг ҳайкалтарошлар ва рассомлар томонидан ишланган ҳайкал ва суратларини кўришингиз мумкин. Музейнинг иккинчи қаватида соҳибқирон Амир Темур бобомиз давлати давридаги ноёб буюмлар ҳамда жуда нозик ишланган Амир Темур давлатининг харитаси жойлашган бўлиб, у харитада Алишер Навоий туғилган Хирот шаҳри ҳам алоҳида белгилаб берилган. Бу бинода ноёб буюмлар, тарихий ёдгорликлар билан бир қаторда деворда бир қанча расмларга кўзингиз тушади. Кейинги хона Мирзо Улуғбек бобомизга бағишланган. Хонага Мирзо Улуғбек расадхонасининг макети алоҳида

¹⁵ Каримов И.А. Адабиётга эътибор–келажакка, маънавиятга эътибор. Шарқ Юлдузи. 2009, 3-сон.

файз бағишлаб турибди. Расадхона 1424 йилда ташкил қилинган бўлиб музейдаги макет расадхонанинг олдинги кўриниши тасвирланган. Мирзо Улуғбек шу расадхонада 1018 юлдузнинг жойлашишини аниқлаган ва шу асосда “Зижи Кўрагоний” асарини яратган. Хонанинг чиқиш жойида 12 ойга мўлжалланган мунажжимлар башорати араб алифбосида ёзилган. Кейинги хона сўз мулкининг султони Алишер Навоийга бағишланади. Хона деворига Навоийнинг устози Лутфий сурати гавдалантирилган. Биламизки, Навоий 12 ёшида Лутфийнинг даврасида қатнашиб, Лутфий Навоийга – сиз ҳам куруқ қўл билан келмагандирсиз деганида Навоий ушбу мисрани айтади:

Оразин ёпғоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш—

Мавлоно Лутфий бу мисрани эшитиб Навоийга юксак баҳо беради ва агар иложи бўлса ўзининг 12 минг байтлик мисрасини шу икки мисрага алишмоғини айтади. Бундан ташқари хонада Навоийнинг турли йилларда чоп қилинган асарлари, девонлари, айниқса “Хазойин ул-маоний” девонининг 4 та китоби жойлашган. Бобомиз инсон умрини тўрт қисмга, тўрт фаслга ажратган. Инсон ёшлигини баҳорга, ўсмирлик даврини ёзга, ўрта ёшлиқни кузга, қарилик чоғларини эса қишга қиёслаган ва бу ҳолатлар хона деворларида суратлар сифатида ўз ифодасини топган. Унинг ёнида устоз-шогирд Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийнинг биргаликдаги ижод жараёни тасвирланган. Навоийнинг турли йилларда таваллуд саналар нишонланган, йирик адабиётшунослар, ҳайкалтарошлар, рассомлар, тўқувчилар ўз ижод асарлари билан қатнашиб музейга эсдалик учун қолдиришган. Рўпарадаги деворда тожикистонлик дўстларимиз томонидан бобомизнинг 525 йиллигига бағишлаб совға қилинган гиламига кўзингиз тушади. Ундан кейинги хона хамсачилик тарихига бағишланган ва хона деворларига Низомий Ганжавий, Деҳлавий, Жомий суратлари туширилган гиламлар илинган. Бу гиламлар

бухоролик гиламдўз 14 та қиз томонидан бир йилда тўқиб, музейга тақдим қилинган. 1968 йилда музейнинг очилиш маросимида совға қилинган, ёғочдан ишланган дурадгорлик буюмлари, занжирбанд шер, Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг биргаликдаги сурати, Навоий ўлими тасвирланган сурат, унда халқнинг маънос қиёфаси, Навоийнинг у дунёга кузатишаг чиққан одамларнинг 13-14 минг кишидан иборатлиги, ҳамда Навоий вафот этганидан кейин бутун заминнинг кўз ёш тўккани суратда ўз аксини топган.

Адабиёт музейининг 3-қавати Амир Темурунинг набираси Умаршайх Мирзонинг ўғли шоҳ ва шоир Бобурунинг ҳаёти ва ижодига бағишланади. Бобур ҳаётлик чоғида А.Навоийни ўзига устоз деб билган. 1530 йилда Ватан соғинчи билан вафот этган. Хона ўртасида Бобурунинг тахтда ўтирган ҳолатдаги ҳайкали ўрнатилган. Бу қават Бобур ва бобурийлар ҳақидаги маълумотлар билан жиҳозланган. Музейнинг тўртинчи қаватига кўтарилар экансиз кўз ўнгингизда XIX-XX асарлар гавдаланади. Бу қаватда XIX-XX асрунинг классик адабиёти намоёндалари, уларнинг асарлари билан танишасиз. Тўртинчи қаватнинг кейинги хонасида Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби XX аср адабиётимизнинг илғор вакиллари жой олган. Қаватнинг бошқа хоналарида халқ оғзаки ижоди намуналари, ўзбек бахшиларининг ижоди, улар асос солган бахшичилик мактаблари, халқ достон, эртакларидан лавҳалар, бугунги адабий жараёндаги ўзгаришлар, бугунги кунда адабиётда қалам тебратаётган ижодкорлар ижоди билан танишади, керакли ва қимматли бўлган маълумотларни оладилар. Бу музей фақат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланиб қолмасдан, ўзбек адабиётига улкан ҳисса қўшган шоир ва олимлар, саркардаларнинг ижодига бағишланган 27 мингга яқин қўлёзмалар борлигидан хабардор бўладилар.

Музей саёҳати якунида ўқувчиларда ажиб санъат асарлари ҳақида улкан таассуротларга эга бўладилар. Ўтган аср маданияти ва санъати,

сиёсати, ижтимоий турмуш тарзини кўргандек бўлади. Буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижод йўлини янада кўпроқ ўқиб ўрганишга, уларга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиладилар.

II.1.ҒАФУР ҒУЛОМ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА “ҒАФУР ҒУЛОМ УЙ-МУЗЕЙИ” ГА САЁХАТ ДАРСИ

Ёшларга таълим беришдан асосий мақсад баркамол авлод онгига фан асосларини пухта сингдириш орқали уларни диёнатли, эътиқодли қилиб ўстириш, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага онгли ёндашиш, эгаллаган билим ва кўникмаларини ҳаётга тадбиқ этиш қобилиятини таркиб топдириб, ривожлантиришдан иборат.

Бу жиҳатдан айниқса адабиёт дарси ёш авлодни жамиятимиз олға сураётган юксак ғоялар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади.

Бундан ташқари назария билан амалиётни биргаликда, чамбарчас боғлаб, яъни ўтилаётган мавзунини унга доир материал, дарс жиҳози, шоир яшаган давр муҳитини ҳис қилиши учун “Саёхат дарси” усулидан ҳам фойдаланиши мумкин. Ёзувчи (шоир) ҳаёти ва ижодини ўрганишда адабиёт ва санъат музейлари, адиб кадамжолари ҳамда адиб уй-музейларига саёхатлар уюштириш, туғилган куни муносабати билан ёзувчи-шоир(шоира)лар билан учрашувлар ташкил қилиш яхши натижа беради. Музейда ўтилган дарс: синфда ўтилган дарсларни тўлдирувчи, ўқувчи-талабалар тасаввурини бойитувчи, мазмундор дарслардан бири ҳисобланади. Бундай дарслар талабалар хотирасида узоқ сақланиб қолади. Музейдаги ёзувчи ҳаёти ва ижодига тааллуқли бўлган экспонатлар ҳақидаги маъруза музей бошқарувчиси ёрдамида талабаларга етказилади. Ўқитувчининг ўзи ҳам репродуктив усулда талабаларга гапириб ўтиш лозим. Демак, ўқитувчининг ўзи ҳам музей ва уй-музей экспонатлари билан олдиндан танишиш, ёзувчи (шоир) ҳаёти ва ижодига тааллуқли маълумотларни ўрганган бўлиши, лозим бўлса, адибнинг оиласи, шогирдлари билан учрашувлар ташкил қилиши керак. Музей экспонатлари билан талабалар танишиш жараёнида қуйи синфда

ўтилган мавзулар такрорланади, мустаҳкамланади. Жумладан, ўқувчилар ёзувчининг болалик даври, унинг оиласи, қариндошлари, шогирдлари, дўстлари, унинг сеvimли машғулотларидан хабардор бўлади. Ёзувчи ижодига ўз ҳиссасини қўшган қардош адиблар ҳақида ва унинг қардош халқлар адабиётига қўшган ҳиссаси ҳақида баҳс юритилади.

Академик лицейларнинг 3-босқичида Ғ.Ғулом ҳаёти ва ижодини ўрганишга 2 соат ажратилган. Бу икки соат давомида шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот. Ғ.Ғулом шеърлятидаги шахс ва жамият, инсон ва олам муносабатларидаги нозик қирраларнинг акс эттирилиши. “Турксиб йўлларида”, “Сен етим эмассан”, “Соғинч”, “Вақт”, “Алишер” каби шеърлярининг яратилиш тарихи ва бадий таҳлили. Унинг насрдаги ҳажвий пафос ҳамда ҳаққоний руҳнинг етакчилик қилиши. Унинг ҳақояларидаги кулги қўзғатувчи вазият ва ҳолатлар, уларнинг моҳирона баён этишдаги восита ва усуллар таҳлил қилинади”¹⁶.

Академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчилар таълимни маълум бир олий таълим муассасасида давом эттиришни режа қилган бўлиб, ўқитувчидан дарс ўтишнинг янги ва самарали усулларини излашни талаб қилади. Бунда дарслик ва ўқув қўлланмалардаги маълумотлардан ташқари, турли хилдаги амалий машғулотлар ташкил этиш яхши натижа беради. Шулардан бири музейларга бориб ўтказилган саёҳат дарсидир.

Масалан: Ғафур Ғулом мавзуси юзасидан “Ғафур Ғулом уй музейи” га саёҳат дарси қуйидагича амалга оширилади.

Ўқувчи-талабалар адибнинг уй-музейига боришдан олдин, илмий ва бадий адабиётлар билан пухта танишади. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларидан маълумотлар тўплашади. Адибнинг туғилиб-вояга етган Тошкент шаҳрининг географик харитаси чизилади. Тошкент оқшоми (2005 йил 2 май сони) газетасида Ойбек ва Ғафур Ғулом

¹⁶ Академик лицейлар учун ўқув дастури. –Т.: 30-бет.

фотосурати катталаштирилиб портрет сифатида тақдим этилади. Адиб замондошларининг Ғафур Ғулом номига айтилган фикрлари, Ғафур Ғуломнинг ўз фарзандларига, замондошларига, шогирдларига билдирган фикрлари катта қоғоз плакатларда намойиш этилади. Ўқитувчи томонидан адиб туғилиб-ўсган диёр ҳақида қисқача маълумот берилади. Адиб номини абадийлаштириш учун Ҳукуматимиз томонидан чиқарилган қарор ўқилади ва унинг номини абадийлаштириш учун қаерларга қўйилганлиги ҳақида сўз юритилади.

Дарсни адиб уй-музейида ташкил қилиш учун ўқитувчи томонидан қуйидагича тайёргарлик кўрилади:

-ўқувчи-талабаларга уй-музейнинг ички қоидаларга риоя қилишлари ҳақида тушунча берилади;

- дарс давомида музей бошқарувчисининг гапларини ёзиб олиш учун (қалам, ручка, ўчирғич дафтар, чизғич) керакли ўқув анжомларини тайёрлаш таъкидланади;

- дарсни ўқув масканларига жорий қилиш учун музейдаги фаолият ёзиб бориш уюштирилади;

- ўқув масканлари ва тил ва адабиёт хоналарини бойитиш учун деворий газета, альбом, буклетларга нусха кўчиришда фотоаппаратдан фойдаланиш тавсия этилади.

Талабалар адиб ҳаёти ва ижоди билан танишганлик, тайёргарлик даражасини аниқлаш учун ўқитувчи томонидан бериладиган саволлар.

Саволлар қуйидагича:

1. Ғафур Ғулом уй-музейи қаерда жойлашган?
2. Адиб уйи нима учун музейга айлантирилган?
3. Академик шоир Ғафур Ғулом уй-музейининг ташкилотчиси ким?
4. Ғафур Ғуломнинг қайси асари етти тилга таржима қилинган?
5. Уй-музейда уй-рўзгор буюмларидан ташқари чолғу асбоблар ҳам мавжуд. Адиб ўз шеърларига мусиқа басталаганми?

6. Ғафур Ғуломнинг 100 йиллигига бағишлаб барпо этилган маданият ва истирохат боғидаги адиб ҳайкалининг муаллифи ким? (Равшан Миртожиев, Валерий Акопжян)
7. Адиб номини абадийлаштириш учун унинг номи яна қаерларга қўйилган?
8. Ғафур Ғуломнинг қайси асари сизга ёқади?
9. Адибнинг қайси асарини ойнаи жаҳонда томоша қилгансиз?

Режа асосида уй-музейи директори, адибнинг қизи Олмос Аҳмедова талабалар билан музей ҳовлисида учрашади.

Тошкент шаҳрининг Бешёғоч майдони Арнапоя маҳалласидаги 1-уй Ғафур Ғуломнинг ҳовлисидир. Бир пайтлар шоир истиқомат қилган бу ҳовли кейинчалик музейга айлантирилган. Уй-музей икки қаватдан иборат бўлиб, ойнаванд эшик орқали музейга кирилади. Музей ичи катта ва шинам бўлиб, у ерда шоирнинг ҳаётига, ижодига алоқадор барча манбалар сақланмоқда. Ҳовли ўртасида жуда катта бўлмаган боғ барпо қилинган. Боғнинг чекка томонида эса Ғафур Ғуломнинг ҳайкали қад ростлаган.



Музейга кирар экансиз, Ғафур Ғулом характериға хос бўлган кўтаринкилик, юморға бойлик, хушчақчақлик сизға шерик бўлади. Музей ходимаси музей билан ўқувчиларни таништиради:

Бу ҳовли бутун дунё шоирлари тўпланадиган манзил бўлган. Ғафур Ғулом ўзбек халқининг йирик шоири ва машҳур ёзувчиси эканлиги, бу музей 1983 йилда ташкил топган бўлиб, 2004 йил шоирнинг юз йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан қайта тикланганлиги ҳақидаги илк маълумотлар билан бошланиши мумкин. Ғафур Ғулом сира ҳам одамсиз тура олмас эди. Ҳамма вақт уйи тўла одам бўлган. Шоир 1903 йил 10 майда туғилганлиги, шоир яшаган уй ва унинг эски шаҳарда жойлашганлигини суратлар орқали берилган. Шоир дастлаб 1912 йилда отасидан айрилди ва катта фарзанд бўлганлиги туфайли оиланинг кун кечириши, ташвишлари унинг зиммасига тушди. Унинг 3 та синглиси бўлган. Шоирнинг “Сен етим эмассан” шеъри ана шу қийинчилик, етимлик ва муҳтожлик кунларини эслаб ёзилган бўлса керак.

Етимлик нимадир—
Бизлардан сўра.
Ўнинчи йилларнинг
Сарғардорлиги;
Иситма аралаш
Қўрқинч туш каби,
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.
Мен етим ўтганман,
Оҳ, у етимлик...
Вой бечора жоним,
Десам арзийди.
Бошимни силишга
Бир меҳрибон қўл,

Бир оғиз ширин сўз

Нондек арзанда...

Мана шу сатрларда шоирнинг дардли истироблари қоғозга туширилган. Бундан ташқари Ғафур Ғуломнинг “Вақт”, “Соғинч”, “Кузатиш” шеърлари, “Сув ва нур” номли балладаси машҳур бўлиб, уларнинг илк намуналари, биринчи нусхалари шу музейда сақланмоқда. У ишчи деҳқонларга атаб “Кўкан” достонини 1939 йил “Шум бола” кассасини ёзди. Бу қисса бугунги кунда рус, қozoқ, тожик тилларига таржима қилинган. Ўз даврида шоир М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Зулфия, шогирди С.Аҳмад билан биргаликда ижод қилган. Унинг энг сеvimли шогирдларидан бири Саид Аҳмад. Шоир уни “ижод париси” деб атаган. Sevimли ёзувчимиз Саид Аҳмад устози Ғафур Ғулом ҳақида эслаб, бу хонадонда домланинг машҳур асарларининг дунёга келишини, азиз ўғлидан жудо бўлиб йиғланагини, қиз узутиб, ўғил уйлаган дақиқаларини, қизалоғининг сочиға лента таққанидан тортиб болаларини, невараларини опичлаб юрганини кўрганман—деб ёзади. Ғафур Ғулом А.Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини насрий баён қилди. Бундан ташқари Шекспирнинг “Отелло”, “Қирол Лир” трагедияларини илк бор ўзбек тилигига таржима қилган. Ғафур Ғулом халқ ҳаёти билан бевосита таниш бўлганлиги сабабли халқ уни уч мартаба депутатликка сайлаган. Шоирнинг 6 та фарзанди 3 ўғил ва 3 қизи бўлган. Уларнинг исмлари Холида, Олмос, Тошхон ўғилларининг исми Мирзо Улуғбек, Мирзо Абдуқодир, Мирзо Хондамир. Ғофур Ғуломнинг ижодини унинг фарзандларидан Олмос Ғуфурова давом эттирди. У 2000-йилда “Буюк хизматлари” ордери билан тақдирланди. Президентимиз И.Каримов “Ғофур Ғуломнинг ижоди фақат Ўзбекистонда эмас авваламбор ҳар тамонлама бутун дунёга машҳур” деган эди.

Талабалар Ғафур Ғулом ҳақида тўплаган материаллар асосида ўзларини қизиқтирган саволлар бериб, жавоб эшитишга мувофақ бўлдилар.

Ўқувчилар томонидан берилган саволлар:

1. Ғафур Ғуломнинг ёшлик чоғлари Қўрғонтепа маҳалласида ўтган экан. Ҳозирги пайтда бу уйнинг аҳволи ҳақида гапириб беринг.

2. Олмос опа, оилада нечта фарзанд бўлгансизлар, улар ҳақида қисқача маълумот беринг.

3. Ғафур Ғулом шоир бўлибгина қолмасдан етимпарвар инсон сифатида элга танилган. Адиб болалар уйида ишлаши билан бир қаторда болаларнинг миллатидан қатъий назар айримларини ўз уйида тарбиялаган. Ҳозирги кунда уларнинг тақдиридан хабардормисиз?

4. Олмос опа, отангиз табиатига хос бўлган юмористик ҳислатлари фарзандларига ўтганми? Иложи бўлса қизиқарли воқеаларни гапириб беринг?

5. Адибнинг «Ғуломов» таҳаллуси нимага асосланиб қўйилган?

6. Ғафур Ғулом «Мен ўзбек шоириман», - деб қайта-қайта мағрурланар экан, сабаби нимада?

7. Шоир Ғафур Ғуломнинг «Саид Аҳмад шеърларимга доялик қилган», «Ойбек бир асрлик дўстим» каби ибораларини тушунтириб беринг?

8. Олмос опа, шу ҳовлини уй-музейи қилиш отангизнинг орзуси эдими ёки Сиз ўзингиз шу фикрга келганмисиз?

9. Ҳозирги пайтда ҳам Ғафур Ғуломнинг уй-музейига чет эл ёзувчи ва (шоир)лари келиб зиёрат қилиб туришадими?

10. Олмос опа - келажакдаги орзуларингиз ва биз ёшларга берадиган маслаҳатларингиз.

Академик шоир Ғафур Ғулом уй-музейидан талабалар катта ва бой таассуротлар билан қайтдилар. Ўқувчилар кетиш олдидан музей

директори Олмос Ғофурова билан эсталик учун суратга тушишади, музей хотира дафтарига ўз таассуротларини ёзиб қолдиришади. (Бу маълумотларнинг барчаси Ғафур Ғулом уй музейида суратлар, чизмалар, китоблар билан берилган) .

Талабаларга саёҳат таассуротлари юзасидан «Мен севган адиб», «Ғафур Ғулом - Тошкентда», «Ғафур Ғуломнинг ижод хонаси» каби мавзуларда альбом, иншо, реферат ва кеча сценарийларини ёзиб келиш вазифаси топширилади. Демак, адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда адабиёт ва санъат музейлари ва адиб уй музейларига ташриф буюриш кутилган натижани беради. Талабалар адиб ҳаёти ва ижоди билангина танишиб қолмай, шу даврнинг ижтимоий- сиёсий ва маданий ҳаётидан ҳам хабардор бўлади. Шу тариқа ёшларни она-Ватанга, буюк аجدодлар мероси ва халқимизнинг мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйғуларини сингдириш мақсадида уларни, дунёни ҳайратга соладиган миллий обидалар, қадимий ёдгорликлар, музей ва адиб уй-музейларини зиёрат қилдириш, юртимизнинг гўзал табиати билан мунтазам равишда таништириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу дарс усулидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг эркин фикрлаш доираси кенгаяди, ўзи мустақил фикр баён қила оладиган бўлади. Адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда музейларга саёҳат уюштириш, у ердаги портрет ва асарлар, кўргазмаларни бевосита адиб ҳаёти билан боғлаган ҳолатда ўқувчига етказа олиш ўқитувчи маҳоратига боғлиқ.

Умуман, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби адибларимиз ижодини ўрганаётган пайтда ҳам адабий экскурсия усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ғафур Ғулом ижодини ўрганиш жараёнида ўқувчиларга шоир ҳақида маълумот берилади ва шоир уй-музейига экскурсия уюштирилади. Ўқувчиларнинг у ерда шоир ҳақида янада тўлароқ маълумот олишга муваффақ бўладилар. Чунки шоирнинг

эсдаликлари, суратлари, шоир фойдаланган буюмлари, ҳаттоки адибнинг чалган танбури-ю, ўқиган “Қуръон” китоблари ўқувчида умрбод эсда қоладиган туйғуни пайдо қилади. Бу адибга бўлган меҳр ва ҳамнафаслик туйғусидир.

1.2. АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИНИ ЎРГАНИШДА САЁҲАТ ДАРСЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Л.Толстойнинг фикрича, болаларда ижодкорликни ўстириш учун уларни ижодга ундовчи ҳаётий омил ва керакли материал билан таъминлаш зарур. Болаларга эркинлик бериш шахс шакллантиришда жуда катта самара беради. Академик лицейларда адабиёт ўқитувчисининг асосий вазифаси тарбияланувчини керакли материал билан таъминлаш, ишга қандай киришишни ўргатиш, ишга тўғри йўналиш беришдан иборатдир. “Агар менинг болаларга берганларимни усул деб аташ мумкин бўлса, —деган экан Л.Толстой, —у усуллар қуйидагилардан иборат:

а) улардан энг катта ва хилма-хил мавзуларни таклиф этиш ва танлаш ихтиёрини бериш. Бу мавзулар болалар учун махсус танланган бўлмай, ўқитувчининг ўзи учун ўта жиддий ва қизиқ бўлиши керак;

б) уларга болаларнинг иншоларини ўқишга бериш ва намуна сифатида фақат болаларнинг ишларини бериш;

в) энг муҳими, болаларнинг ишларини текшираётганда дафтарининг аҳволига, хатига, хатоларига ва айниқса, унинг ижодий тарзда, айтиш жоиз бўлса, услубига ҳеч қачон танбех бермаслик керак.


Бу фикрлардан келиб чиқиб фикр билдирадиган бўлсак, адабиёт ўқитувчиси болалар билан ишлашда ўта эҳтиёткор бўлиши лозим. Биргина ножўя ҳаракат билан боланинг кўнглини чўктиришимиз, адабиётга бўлган иштиёқини синдиришимиз мумкин. Бизнинг асосий вазифамиз ўқувчиларга ватанга, туғилиб ўсган юртига муносиб фарзанд бўлиш, табиатни асраш, миллий урф-одатларимизга, қадимий обидаларимизга ҳурмат назари билан қараш каби тушунчаларни адабиёт

дарслари орқали сингдириш лозим. Чунки, ҳар қандай жамиятда чинакам инсонларга кучли эҳтиёж бўлади. Чинакам инсонлар эса табиатни ақл ва ҳиссиётга эҳтиёжманд кишилардир. Тарбияловчилар тарбияланувчиларга берилган ақл ва туйғуни илғай олишлари, таълим-тарбия асосида уларни ривожлантира билишлари лозим. Бунинг учун эса дарс жараёнида турли хил усуллардан фойдаланиб, жумладан, саёҳат дарсларини уютирса, ўқитувчилар ўқувчиларда ақл ва туйғуни тарбиялашга қодирдир. Юқорида қайд қилганимиздек ўқув дастурларда мустақил ўқиш дарслари, саёҳат дарслари алоҳида берилмайди ва булар учун маълум бир соат ҳам ажратилмайди. Ўқитувчи ўқув маскани (академик лицей, касб-ҳунар коллеж, мактаб, университет) нинг қаерда жойлашганлиги, ўқув маскани саёҳат уюштирмоқчи бўлган йўналишга яқин ёки узоқлигидан, олдинги дарсларда ўрганилган, ўтилган мавзу саёҳат уютирилган жой билан ҳамоҳанглиги инобатга олиниши лозим.

Академик лицейларнинг 3-босқичларида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди учун 3 соат ажратилган. Бу уч соат давомида Қаҳҳорнинг ҳаёти, унинг XX аср адабиётида тутган ўрни, “Миллатчилар”, “Адабиёт муаллими” ҳикояларининг ғоявий-бадiiй хусусиятлари, ёзувчининг драматургиядаги ижоди, “Тобутдан товуш” драмаси, унда ижтимоий иллатларнинг фoш этилиши, “Сароб” романи, унда инсон психологиясининг очиб берилиши ҳақидаги маълумотларга эга бўлишлари лозим. Лекин назарий билимларнинг кўплиги, мавзу кўламининг катталиги боис маълумотларнинг барчасини ўқитувчи уч соат ичида етказиб беришга қийналади. Чунки ёзувчи ҳикоя, драма, қиссаларининг ранг-баранглиги, уларда ижтимоий ҳаётнинг ифодаланиши, ғоявий-бадiiй хусусиятлари, уларнинг таҳлиллари анчагина вақтни ўғирлаб қўйиши мумкин. Мана шундай пайтларда ўқитишнинг ноанъанавий усулларида, илғор педагогик технологиялардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ўринда саёҳат дарслари усулидан фойдаланиб, “Абдулла Қаҳҳор уй-музеи”га

саёҳат уюштириб дарс ўтилса, дарс янада қизиқарли бўлади. У ерда ўқувчилар ёзувчи яшаган уй билан яқиндан танишиб, ўз кўзлари билан кўришадилар.

“Абдулла Қаҳҳор уй-музейи” Яккасарой тумани Юнус Ражабий кўчаси, “Юнус Ражабий уй-музейи”дан эллик қадам нарида, чап қўл тарафда жойлашган. Музейнинг олдида Абдулла Қаҳҳор ҳайкали ўрнатилган. Эшик олдида “Абдулла Қаҳҳор уй-музейи” деб ёзилган ёзув бор.



Уй икки қаватдан иборат. Музей раҳбари Нодира Жалолова бўлиб ўқувчиларга музейни музей ходимлари таништирадилар.

“Бу Абдулла Қаҳҳордек табаррук зот яшаган, унинг излари қолган, сўнмас меҳнати хотирага бош қўйган, унинг руҳи кезиб юрган хонадон— адиб яшаган уйдир”¹⁷.

Ёғоч зинапоя Абдулла Қаҳҳорнинг иш кабинетига олиб чиқади. Бу ерда ҳамма нарса адиб ҳаёт чоғида қандай бўлса, худди шундай ҳолатдадир. Китоб жавонлари шифтга етади. Адибнинг энг севикли сўз усталари – Гогол ва Чеховнинг асарлари алоҳида токчаларга тахланган.

¹⁷ Адабиётимиз фаҳри.- Т.: Ўзбекистон. 2007, 313-бет.

Уч оёқли чоғроқ думалоқ столда чет эл сафарларидан бирида совға қилинган бахт-саодат ва фаровонлик тимсоли —ҳинд маъбудаси— шиванинг бронзадан ишланган ҳайкали турибди. Ёзувчи уни Раж Капур ва Ҳиндистоннинг бошқа санъат усталари билан бўлган учрашувлардан хотира тариқасида сақлаган. Шунингдек, Раж Капур киностудиясининг рамзий ҳайкалчаси ва эсталик суратлари, 1955 йилда Ўзбекистон делегациясига раҳбар сифатида борилганда Ҳиндистондан олиб келинган “Тоғмаҳал” мақбарасининг макети хонадаги энг қимматли экспонатлардан биридир.

Ундан нарироқда кенг ёзув столи жой олган бўлиб, унда ёзув машинкаси, адибнинг кўзойнаги ва ручкаси, қўлёзмаси, календар ва чойнак турибди. Бурчакдаги столда эса дутор ва украиналик меҳмон совға қилган чолғу асбоби. Ушбу дуторни Абдулла Қаҳҳорнинг илтимоси билан унга қўшни бўлган мусиқа илмининг алломаси Юнус Ражабий махсус ясаптириб берган экан.

Адибнинг бўҳтон ва иккиюзламачиликни, сохталик ва жаҳолатни— яшашга ҳалақит бераётган барча нарсаларни фош қилган ўлмас сатрлари айна мана шу ерда дунёга келган.

Қўлёзма дафтарлари ва ручка — ўзбекча олти томлик луғат билан ёнма-ён олтита ён дафтарчаси турибди. Уларнинг ҳар бир варағи фикр хазинасидир. Мана, ана шу қайдлардан бир нечтаси: “Агар яхшилик ғараздан холи бўлмаса, ёмонликдан фарқи қолмайди”, “Ёзувчи келажакнинг махсус мухбири”¹⁸.

Севимли адибимиз Абдулла Қаҳҳор 1958 йилдан то умрининг охирига қадар шу файзли хонадонда яшаб, ижод қилган. Унинг кейинги йилларда ёзилган асарлари мана шу бинода “йўргакка” ўралган. Бу бинони адибнинг уй-музейига айлантиришда унинг турмуш ўртоғи, мумтоз адабиётнинг билимдони, зукко таржимон Кибриёхоним

¹⁸ Адабиётимиз фаҳри.- Т.: Ўзбекистон. 2007, 314-бет.

Қаҳҳорованинг хизматлари катта. Адибанинг жонбозликлари сабаб бу ер маданиятимизнинг қутлуғ қадамжоси бўлиб қолди. Кибриё опа музей ташкил қилингандан (1987 йил 6 май) то умрларининг охиригача музей катта илмий ходими вазифасида ишлаган.

Музей хоналари адиб ҳаёти ва ижодини акс эттирувчи кўргазмалар билан безатилган. Уй-музейни томоша қилар экансиз, кўргазмага кўйилган суратлар, китоблар сизга азизлигини сезасиз.

Уй-музей тўртта хона, айвон ва асосий кириш йўлагидан ташкил топган бўлиб, ёзувчининг шахсий буюмлари, ҳужжат, ордер ва медаллари, кўлёзма ва китоблари, фотосурат ҳамда санъат асарларидан иборат.

Меҳмонхона ва кутибхона мемориал хоналар ҳисобланиб, уларнинг барчаси адиб ҳаёт чоғида қандай бўлса, ҳозирга қадар ҳам шундай сақланиб келинмоқда.

Мўжазгина меҳмонхонага ташриф буюрсангиз, у ерда катта думалоқ стол, атрофида стуллар, диван, телевизор, сервантга кўзингиз тушади. Бу хонада адиб доимо ёзувчи ва шоирлар билан қизғин суҳбатлар қурган. Кичик столда эса адиб бўш вақтларида кўп бор шахмат ўйнаган. Бундан ташқари, Абдулла Қаҳҳор шкафида “Зоркий-4” маркали фотоаппаратига кўзингиз тушади. Бу эса сурат олиш адибнинг энг севимли машғулооти бўлганидан далолатдир. Хонадаги адиб томонидан сотиб олинган ва фойдаланган телевизор, радио, магнитофон, турли мебеллар ташриф буюрган зиёратчиларда ўзгача таассурот ва қизиқиш уйғотиши табиий. Аниқроғи, мазкур жиҳозлар бевосита 60 йиллар муҳитини ҳар бир зиёратчи тасаввурида гавдалантиради.

Уй-музейга келувчи зиёратчиларда, айниқса, адибнинг бебаҳо кутибхонаси ажойиб таассурот қолдиради. Бу бежиз эмас, албатта. Кутибхонада беш юздан ортиқ журналлар ва уч минггаи яқин китоблар

сақланиб келинмоқда. Булар ёзувчининг бутун умри давомида йиққан бойлигидир.

Бурчакда деворга осиб қўйилган дуторга кўзингиз тушади. Адибнинг кутибхонасида ўзбек ва форс-тожик мумтоз адабиёти намуналарининг ноёб нусхалари, XIX асрнинг иккинчи чорагида Москва ва Санкт-Петербургда чоп этилган қадимий китоблар жой олган. Уларнинг аксарият қисми Абдулла Қаҳҳор “Сароб” романи учун ёш қаламкашлар конкурсида ғолиб чиқиб, собиқ иттифоқ бўйлаб қилган сафари чоғида олиб келган.

Кутибхонадаги В.Шекспир, В.Скотт, М.Твен, Т.Драйзер, Р.Роллан, Ч.Диккенс, Стендал, Ж.Верн ва бошқа кўплаб таниқли чет ел адабиёти намоёндаларининг турли даврларда чоп этилган кўп томли асарлари тўплами бир неча юз китобни ташкил этади.

Музейда Қаҳҳорнинг илк китобларидан тортиб бугунги кунгача турли йилларда чиқарилган китобларининг нашрлари, қардош халқлар ва чет тилларда чоп этилган асарлари, адиб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий-танқидий ишлар, хотиралар алоҳида жавонда сақланада.

Уй-музей кутибхонасига буюк адибга бўлган ҳурмат эҳтиромлари нишонаси сифатида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар ўзларининг дил сўзлари ёзилган китобларини тақдим этганлар. Шунингдек, адиб шогирдлари учун махсус жавон ажратилган бўлиб, уларда муаллифларнинг дастхатлари битилган, китоблари жамланган.

Раҳмат Фазий ўзининг 1950 йилда нашр қилинган “Кишиларимиз қиссаси” китобининг муқовасида шундай жумлаларни ёзиб қолдирган: “Ҳурматли устоз Абдулла Ака! Шу вақтгача китоб ҳадя қилолмаганман. Бу гал шундай журъат этдим. Ғашингизин келтирадиганлари бор, албатта. Койиманг. Маслаҳат, насиҳатларингизга ҳамиша муҳтожман. Чуқур ҳурматим сизга. Таъзим билан Р.Файзий”¹⁹.

¹⁹ Ўша манба 315-бнт

Шунингдек, кутибхонада адибнинг “Сароб”, “Қўшчинор чироқлари”, “Синчалак”, “Ўтмишдан эртақлар” сингари асарлари нашрларини кўриш мумкин. Ўқувчилар эътиборини тортадиган яна бир китоб “Анор” ҳикоясининг илк нусхасидир. Лекин китоб шу даражада кизил сиёҳлар билан чизиб ташланганки, музейга борган кишини ўзига тортмай иложи йўқ.

“Абдулла Қаҳҳор ҳаёти” деб номланган биринчи бўлимда адиб ҳаётининг турли босқичлари, муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Шубҳасиз, “Ўтмишдан эртақлар” қиссасини ўқиган зиёратчилар Абдулла Қаҳҳор болалига билан кўпроқ қизиқишади. “Менинг болалик йилларим Фарғона водийсининг Яйпан, Нурсук, Қудаш, Бувайди, Толлик, Олқор, Юлғунзор, Оққўрғон деган қишлоқларида ўтган”²⁰—деб ёзади ёзувчи ўзининг болалик хатираларини “Ўтмишдан эртақлар” афтобиографик қиссасида. Шунинг назарда тутиб, бу бўлимда XX аср бошларидаги халқ турмуш тарзини, мажаниятини, давр муҳитини жонли равишда кўрсатишга ҳаракат қилган. Темирчилик асбоб-ускуналари, қадимий кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари, фотосуратлар ана шу ниятни рўёбга чиқариш учун хизмат қилади. Бундан ташқари Фарғона водийсидаги Қаҳҳор санаб ўтган қишлоқлар харитада алоҳида белгилаб қўйилган.

“Абдулла Қаҳҳор ижоди” деб номланган иккинчи бўлимда адибнинг журналистик фаолияти ва ижодининг илк даврларига тегишли ҳикоя, фелъетонларнинг кўлёмаси, улар эълон қилинган вақтли матбуот нашрлари ўрин олган.

“Абдулла Қаҳҳор мероси” деб номланган учинчи бўлимда адибга ҳурмат ва эҳтиром намунаси сифатида тухфа этилган совғалар, мукофотлар, ордер ва медаллар, дирломлар, эсталик буюмлари жой олган.

²⁰ Абдулла Қаҳҳор. Танланган асарлар тўплами. 2-том. –Т.:1967. 7-бет.

Биринчи қаватдан иккинчи қаватга кўтарилар экансиз, ёзувчининг ҳаётлик даврида рассомлар томонидан чизилган биринчи ва охириги сурати осиб қўйилган.

Саёҳат сўнгида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишлари, фирк-мулоҳазалари билан ўртоқлашишлари, ёзувчи ҳаётидаги қизиқарли воқеалардан ҳам хабардор бўлишлари мумкин. Чунки музей раҳбари Нодира Жалилова севимли ёзувчимизнинг шогирдларидан бўлиб, Қаҳҳор оиласи билан шу ҳовлида истиқомат қилган.

Саёҳатдан кейин ўқитувчи ўқувчилар билан саёҳат юзасидан давра суҳбатлари, иншо, савол-жавоблар орқали дарс янада мустаҳкамланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Анъанавий усуллардан биров чекланиб, ноанъанавий усуллардан, жумладан, саёҳат дарсидан фойдаланиб дарс ўтилса, ўқувчиларнинг ёзувчи ҳақидаги билимлари янада бойитилади, дарсга бўлган қизиқиши ва иштиёқи янада ортади.

“Абдулла Қаҳҳорнинг бу нур тўла файзли даргоҳи адабиёт аҳлини, қолаверса, адибга муҳаббати чексиз мухлисларни, ҳамда ёзувчининг ижодига бефарқ бўлмаган китобсеварларни ҳамиша ўз қучоғига чорлайверади”²¹.

²¹ Ўша манба 320-бет.

III ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚИ

БОБУРНИНГ “БОБУРНОМА” АСАРИ АСОСИДА РАМЗИЙ САЁҲАТ ДАРСИ ИШЛАНМАСИ

Гўзал ижоди, ибратли ҳаёт йўли, кучли шахсияти билан ёш авлод маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўша оладиган ижодкор шоҳ ва шоир Бобур асарлари умумтаълим мактабларида ҳам, академик лицейларда ҳам ўрганилади. Бобур ижодини ўрганишга айрича ёндашиш катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Ислон Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч ” асарида ҳаётда суянса бўладиган одам сифатида иродали инсонни кўрсатади. “Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ҳам ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда, ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўладиган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради.

Шу маънода инсоннинг маънавияти юксалиши билан унинг иродаси ҳам кучайиб боради, десак янглишмаган бўламиз. Ирода- бу аслида мустаҳкам ишонч демакдир. Иродаси бақувват одам ўзига ишонади ва ҳар қандай мураккаб вазифани ҳам ўз зиммасига олишдан қўрқмайди. Шунинг учун ҳам юксак иродали инсонга суяниш мумкин”²²

Ёш авлодга, ўсмир-ўспиринларга бу борада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти намуна бўла олади. Бобур шахсияти ва ижодини ўрганиш шунинг учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Шоҳ ва шоир Бобурнинг ҳаёт йўли, “Бобурнома” тарихий мемуар асари, лирикаси академик лицейларнинг 2-босқичларида ўқитилади. Бобур ҳаёти ва ижодини, унинг лирикаси, “Бобурнома” асарини ўрганишга уч

²² Каримов И.А “Юксак маънавият- енгилмас куч” Т;Маънавият.2008.123 б

соат маъруза ва уч соат амалий машғулот жами олти соат ажратилган²³. Дастлабки соатларда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, унинг ягона марказлашган давлат тузиш йўлидаги уринишлари, Бобур ҳақида замондошлари ва ундан кейинги буюк шахслар фикрлари, ғазаллари (Ўзни, кўнгил айш билан тутмоқ керак, Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдим осуда, Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, Қолдимۇ?, Келтурса юз балони ўшал бевафо манга... ва ҳ.к.), рубоийлари (Ҳар кимки, вафо қилса – вафо топқусидир!, Азм айла сабо, ет гули хандонимға, Рафтори-ю қаддиға равоним садқа, Даврон мени ўткарди сар-у сомондин... ва ҳ.к.) ва “Бобурнома” асари ҳақида маълумотга эга бўладилар. Ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг қай даражада билимларни ўзлаштирганлигини билиш мақсадида яқиний амалий машғулот дарсида рамзий саёҳат дарсларидан фойдаланиш мумкин. Ишимизнинг учинчи бобида саёҳат дарси юзасидан бир соатлик дарс ишланмасини ёзишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Фан: Адабиёт

Курс: 2-курс

Мавзу: Мустаҳкамлаш дарси

Дарсинг мақсади:

Таълимий мақсад: Ўқувчиларда З.М.Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, лирик мероси, “Бобурнома” тарихий мемуар асари ҳақида билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Тарбиявий мақсад: Ўқувчиларда буюк алломалар меросидан фахрланиш ва уларни севиб ўрганиш ҳиссини тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларнинг фикрлаш ва эслаш қобилиятларини ошириш, тез ва ифодали ўқиш малакаларини ривожлантириш.


²³ Академик лицейлар учун ўқув дастур. Т.: 2000.

Дарснинг жиҳози: З.М.Бобур портрети, асарлари, Бобурийлар шажараси ҳақида плакат, “Андижондан-Ҳиндистонга” номли харита, ишланган буклетлар, слайдлар, тарқатма материаллар.


Дарснинг бориши:

Олдинги дарсда берилган маълумотлар асосида синф хонаси тайёрланади ва қўнғирок чалиниши билан ўқувчилар ўқитувчи томонидан тайёрланган усул орқали гуруҳларга бўлинади ва ўзининг гуруҳларда ажратилган жойларини эгаллайдилар.

Дарс мобайнида мулоқат қилиш учун гуруҳдаги ўқувчилар билан келишилган ҳолда гуруҳлар номланади. Ушбу дарсда ўқувчилар қуйидагича 3 та гуруҳга бўлингани мақсадга мувофиқ.



Дарс бошлангач Бобурнинг “Яхшилиғ” радибли ғазали мусиқа садолари билан эшиттирилади. Рамзий саёҳат йўналиши белгиланади. Бу дарсни ўтишда “Бобурнома”да зикр этилган шаҳарлар, тарихий шахсларни ўқитувчи саёҳат дарси мисолида тушунтириб беради. Бунда ўқитувчи рамзий саёҳат йўналишини белгилайди. Саёҳат йўналиши “Андижондан-Ҳиндистонга” деб номланган харита асосида олиб борилади.




Саёҳатга чиқишдан аввал саёҳатга кимлар қатнашмайди деб сўраб, шу тарзда йўқлама ҳам қилиб олинади. Ундан кейин ўқитувчи ўқувчилардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида қисқача маълумот беришларини сўрайди. Ҳар бир гуруҳдаги ўқувчилар занжир усулидан фойдаланиб биттадан Бобур ҳақида маълумот айтадилар. Давом эттира олмаган гуруҳдан бир балл олиб ташланади. Биринчи гуруҳ ўқувчилари куйидагича маълумот беради: Заҳириддин Муҳаммад Бобур атоқли давлат арбоби, саркарда ва шу билан бирга, истеъдодли шоир, адиб, донишманд тарихчи, олим ва таржимондир. У 1483 йилнинг 14 феврилида Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда туғилган. Отаси Умаршайх мирзо темурийлардан бўлиб, Фарғона вилоятида ҳокимлик қилар эди. 1494 йилда Умаршайх мирзога қарши унинг ўз акаси— Самарқанд ҳокими Султон Аҳмад мирзо ва Тошкент ҳокими Маҳмуджон қўшин тортиб, Фарғонага юриш қиладилар. Андижоннинг Аҳси қўрғонида Умаршайх мирзо кабутархоналари билан бирга жарга кулаб, ҳалок бўлади.... Шу тариқа маълумотлар айтилиб Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар қайта хотирада жонланади.

Сўнг ўқитувчи бошчилигида ўқувчилар харитадан З.М.Бобур ҳаёт йўлининг бош нуқтаси Андижон шаҳрини топиб, шу шаҳарга тўхтайдилар. Биринчи гуруҳ “Бобурнома” бўйича Андижонга таъриф беради: “Етти пора қасабаси бор: беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жанибида. Жанубий тарафидаги қасабалар бири Андижондурким, васатта воқе бўлибтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидир. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур...

Эли туркдур. Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур»²⁴.

Андижон билан боғлиқ воқеалар биргаликда таҳлил қилинади. Саёҳат давомида тўхталган ҳар бир шаҳарнинг суратлари слайдлар ёрдамида кўрсатилиб, “Бобурнома”даги таърифи ҳам луғат ва изоҳлар ёрдамида ўрганиб борилади. Экранда сўзларнинг луғати берилади.



Луғат ёрдамида иккинчи гуруҳ ўқувчилари шаҳарнинг шарҳини келтиради. “Етти шаҳарчаси бор: беши Сайхун (Сирдарё) сувининг жануб тарафида, икkitаси шимол томонида. Жанубий тарафидаги шаҳарлардан бири—Андижон, ўртада жойлашган, Фарғона вилоятининг пойтахтидир. Ғалласи мўл, меваси кўп, қовун ва меваси яхши бўлади. ...

Эли туркдир (ўзбекдир). Шаҳар аҳолиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ...”²⁵

²⁴ Бобур З.М. Бобурнома. –Т.: Юлдузча. 5-6-бетлар

²⁵ Бобур З.М. Бобурнома. Табдил. –Т.: Ўқитувчи. 29-бет.

Нима учун биринчи Андижон шаҳрида тўхтадик?—деган саволга ўқувчилар: Захириддин Муҳаммад Бобур 1494 йил 14 февралда Фарғона вилоятининг пойтахти Андижонда туғилганлигини, насл-насаби, ёшлик даври, 12 ёшдан отадан етим қолгани, ҳали айрилиқ кўз ёшлари тинмай туриб, қисмат унинг бошига тож-у тахт миннатини солгани ва унинг фаолиятининг бошланиш нуқтаси шу жой билан боғлиқлиги ҳақида гапирадилар.

Кейинги йўналишни ўқувчилар белгилашади.

—Самарқанд.

Ўқувчилар Самарқандга етиб боришгунча қуйидаги шартни бажаришади. Ўқитувчи ўқувчиларга “Зинама-зина” технологияси тарқатмаларини тарқатади. Тарқатма қуйидагича тузилиши мумкин. Шоирнинг учта туюғи ҳар битта гуруҳга биттадан алоҳида-алоҳида 3 та тарқатмага ёзилади ва ёзилган туюқни изоҳини ёзиш учун жой қолдирилади. Мана бу шаклда.

1-гуруҳ учун

Туюқ матни	Тушунчалар
Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга, Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга. Ўқунг этти кўп ёмон ёро манга, Марҳами лутфунг била ёро манга.	

2-гуруҳ учун

Туюқ матни	Тушунчалар
Мени беҳол айлаган ёр ойдурур— Ким, онинг васли менга ёройдурур. Гар висоли бўлмаса, кетар ердим Ё Хуросон, ё Хирот, ё Ройдурур.	

3-гуруҳ учун

Туюқ матни	Тушунчалар
Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди, Кўнглум ғаму андуҳ ўтига ёқилди. Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул, Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!	

Тарқатмалар гуруҳларга тарқатилиб, уни тўлдириш тартиби тушунтирилади. Гуруҳлар тарқатманинг бўш жойларига ўзларининг туюқ мазмуни ҳақидаги фикрларини ёзиб бўлганидан сўнг, гуруҳлардан биттадан вакил доскага чиқиб, тўлдирилган тарқатманинг тақдимотини ўтказди. Тақдимот ўтказган гуруҳ тарқатмаси доскага қуйидагича илинади ва зинапоя ҳосил қилинади.

1-гуруҳ

2-гуруҳ

3-гуруҳ


Ўқитувчи ўқувчиларнинг таҳлилий фикрларини тўлдириб балларни белгилаб олиб Самарқанд шаҳрига етиб келганлиги эълон қилинади. 2-гуруҳ иштирокчилари “Бобурнома” бўйича Самарқандга таъриф беришади:

“Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур. Шаҳри Самарқанддур, вилоятини Мовароуннаҳр дерлар. Ҳеч ёғий қаҳр ва ғалаба ила мунга даст топмағон учун балдаи маҳфуза

дерлар. Самарқанд ҳазрати амирулмуъминин Усмон замонида мусулмон бўлгондур. Саҳобадин Қусам ибн Аббос анда боргондур... Темурбек пойтахт қилиб эди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилгон эмастур...

...Шарқи Фарғона ва Кошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шохрухияким Шош ва Банокат битирлар, жануби Балх ва Тирмиз. Қўҳак суйи шимолидин оқар, Самарқанддин икки курух бўлғай...”²⁶

Экранда сўзларнинг луғати берилади.



Рубъи маскун- куруқликнинг
тўртдан бири, ер юзи маъносида
Даст топмагон-қўлга киритмаган
Балдаи маҳфуза-қўрғон шаҳар
Усмон –Муҳаммад пайғамбардан
кейинги учинчи халифа(644-656)
Саҳоба-Муҳаммад пайғамбар
тарафдорлари
Қусам Ибн Аббос-саҳобалар.
Муҳаммад пайғамбарнинг
Курух-2 км чамасида

Учинчи гуруҳ иштирокчилари луғатлар ёрдамида Самарқанд шаҳрини шарҳлайдилар. “Ер юзининг аҳоли яшайдиган қисмида Самарқандча латиф шаҳар камроқдир. Бешинчи иқлимдандир. Шаҳри – Самарқанд, вилояти Мовароуннаҳр дейилади. Ҳеч душман қаҳр ва ғалаба билан уни эгаллаёлмагани учун “балдаи маҳфуза”–“ҳимоядаги шаҳар” дейилади. Самарқанд ҳазрати амир ул-мўминин Усмон замонида

²⁶ Бобур.З.М. Бобурнома. –Т.: Юлдузча. 1990.43-44-бетлар

мусулмон бўлгандир. Саҳобадан Қусам ибн Аббос у ерга боргандир... Темурбек (Амир Темур) пойтахт қилган эди. Темурбекдан илгари Темурбекдай улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмас... Самарқанднинг шарқи Фарғона ва Кошғар, ғарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шохрухияки, Шош ва Банокат деб ёзадилар, жануби Балх ва Тирмиз, Кўҳак (Зарафшон дарёси) шимолидан оқади, у Самарқанддан икки км келади...»²⁷


Самарқанд билан боғлиқ воқеалар, Самарқандни эгаллашга бўлган интилишлар, Бобур ва Шайбонийхоннинг курашлари, оғир пайтларда ўз изтиробларини қоғозга тушириб ғазаллар, рубоийлар ёзганлиги ҳақида гапириб, уларни ёд айтиб беришади.

Кейинги йўналиш –Қобул.

Ўқувчилар билан Қобул вилоятига етиб келгунча қуйидаги шартни бажарадилар.

Шундан кейин кейинги шартга ўтилади. ўқувчилар эътибори слайдларга қаратилади. Экранда “Бобурнома”да номлари зикр этилган тарихий шахслар, уларнинг сифатлари ўқиб эшиттирилади. Қайси гуруҳ биринчи бўлиб топса, қўлларидаги қуёшни кўтаради. (“Қуёш чикди” методида қуёш шаклидаги қуёшлар олдиндан гуруҳларга тарқатилган бўлади).

1-таъриф



“Паст бўйлуқ, тегирма соқоллик, кўба юзлуқ, танбалкиши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоғким, боғ боғлатурда қорнини ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлағондин сўнг ўзини кўя берча, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. .. Равон саводи бор эди. “Хамсатайн” ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқув эди. Аксар “Шоҳнома” ўқур эди. Табъи назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди”.

²⁷ Бобур З.М. Бобурнома. Табдил. –Т.: Ўқитувчи. 29-бет.

2-таъриф

... назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур...Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, бу мазкур бўлғонларға боқа пастроқ ва сустроқ воқе бўлубтур. Ул жумладин, иншоларини Мавлоно Абдурахмон Жомийға тақлид қилиб жамъ қилибтур...

3-таъриф

Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским. ...мирзоча қилич чопмиш бўлғай. Табъи назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. ..

4-таъриф

Ханафий мазхаблик, покиза эътиқод киши эрди,
беш вақт намозини бетарк ўтар эди. Шурб
маҳалларида ҳам намозни тарк бўлмас эди. Ҳазрати
Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа
мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб бор
эди. .. Ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди.
Бовужудким шаҳрда улғайиб эди, турк ва содда эди.
Таъдин баҳраси йўқ эди...

қайси гуруҳларнинг топганига қараб уларга баллар қўйилади.

Қобул вилоятига етиб келганлиги эълон қилиниб, навбатдаги гуруҳ
“Бобурнома” бўйича Қобул шаҳрига таъриф беришади.

“ Тўртунчи иқлимдиндур. Маъмуранинг ўртасида тушубтур. Шарки
Ламғонот ва Пуршовар ва Хашанғар ва баъзи Ҳинд вилоятидур. Ғарби
кўҳистонлардурким, Карнуд ва Ғўр ул кўҳистондадур. Бу тарихда
ҳазора ва нақдари қавмнинг маъман ва маскани бу тоғлардур.

Шимоли Қундуз ва Андароб вилоятидур. Ҳиндукуш тоғи
воситадур”²⁸.

Экранда сўзларнинг луғати берилади.

Пуршовар- Пушовар
Кўҳистон – тоғли маскан
Карнуд-Казев

Биринчи гуруҳ иштирокчилари Қобул вилоятини шарҳлайдилар.

²⁸ Бобур.З.М. Бобурнома. –Т.: Юлдузча. 1990.116-бетлар

“Қобул вилояти тўртинчи иқлимдадур. Шаҳар обод ерларининг ўртасида жойлашган. Шарқи Ламғонот, Пуршовар, Ҳашнағар ва баъзи Ҳинд вилоятларидир. Ғарби тоғли масканлардир, Карнуд ва Ғўр ўша тоғлардадир. Ҳозирги пайтда ҳазора ва нақдари қавмларининг маскани шу тоғлардир.

Шимоли Ҳиндукуш тоғига туташган, Қундуз ва Андароб вилоятларидир”²⁹.

Саёҳат қилинаётган ҳар бир вилоятнинг суратлари экран орқали кўрсатилиб туради. Уларнинг харитадан жойлашиш ўрнини ҳам топадилар. Ўқитувчи Бобурнинг Қобулдаги дастлабки йиллари ҳақида маълумот беришни сўрайди. Саёҳат шу тариқа давом этади. Ўқувчилар охириги йўналишни белгилайдилар.

–Ҳиндистон.

Ҳиндистонга етиб келгунча гуруҳлар ўртасида олдинги дарсларда ёд олинган Бобур лирикаси юзасидан мусобақа ташкил қилинади. 1 гуруҳ Бобур ғазал ёки рубойисидан 1 байт айтади, қолган икки гуруҳдаги ўқувчилар уни давом эттириши керак. Қайси гуруҳ кўп давом эттирганига қараб гуруҳлар баҳоланади.

1-гуруҳ:

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга!...

Топган гуруҳ давом эттиради:

Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур баче,
Меҳру вафо – рақибға, жавру жафо – манга.

2-гуруҳ:

Ўзни, кўнгул, айш билан тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак...

²⁹ Бобур З.М. Бобурнома. Табдил. –Т.: Ўқитувчи. 105-бет.

Топган гуруҳ ғазални шу тариқа давом эттиради.

Ҳиндистонга етиб келинган бу ғалги таърифни ўқитувчи айтади:

“Ҳиндустон аввалги иқлимдин ва иккинчи иқлимдин ва учунчи иқлимдиндир. Тўртунчи иқлимдин Ҳиндустонда йўқтур. Ғариб мамлакате воқе бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозиъ ва вилоёти ва ҳайвонот ва набототи, эли ва тили ва ёмғури ваели борча ўзгача воқе бўлубтур...

...Ҳиндустоннинг шаҳрлари ва вилоятлари асру бесафодур. Бори шаҳрлари ва бори ерлари бир вазълик, боғотиға том бўлмас. Аксар ерлари туб-туз воқе бўлубтур. Баъзи дарёларнинг ва рудларнинг ёқаси пашкол ёғинлари жиҳатидан обканлар бўлубтурким, ҳар ердин убуру ва муруру мутааззирдур...”³⁰

Қайси гуруҳ биринчи ва аниқ равон жавоб берганига қараб уларга баҳо қўйилади. Нима сабабдан шаҳарлар кетма-кетлиги бу тарзда белгиланганлиги, Бобурнинг машҳур ғазал ва рубоийлари қуйидаги қайси шаҳарларнинг бирида ва қай ҳолда ёзилганлиги ҳам дарс давомида ёритиб борилади. Гуруҳ баллари ҳисобланиб, улар эълон қилинади. Дарсда фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади.

Дарс якунида ўқитувчи: ўн икки ёшидан бошлаб умри мудом от устида, жанг-у жадалларда, сиёсат гирдобида ўтган улуғ аждодларимиз, Туркистон ерининг паҳлавони З.М.Бобур тарихи ва тақдири, халқимиз тарихи ва тақдири билан чамбарчас боғлиқ эканлигининг яна бир гувоҳи бўлдик. Бобурдаги табиий истеъдод, унинг ҳар томонлама ривожланган ва қомусий билимларни ўзида мужассамлаштирган шахсияти, ақл-заковати, инсоний хислатлари ва қолаверса, унинг очик кўнгиллиги, нозик табиатлилиги бизни ҳайратга солади.

Шу билан дарс тамон. Ҳаммага хайр.

Биз биламизки, адабиёт ўқитувчисининг вазифаси авваламбор ўқувчига одоб-ахлоқни, ватанга муҳаббат, юртга садоқатли бўлиш каби

³⁰ Бобур З.М. Бобурнома. –Т.: Юлдузча. 1990. 250, 250-бетлар

туйғуларни шакллантиришдир. Ўқувчиларнинг фан асарларини пухта эгаллашларида, фанлараро алоқани мустаҳкамлашда; ўлкамиз ўтмишини чуқур ўрганиш ва шу асосда бугунги кун воқеа-ходисаларини теран мушоҳада қилишимизда Бобур ҳаёти ва ижодининг айниқса, “Бобурнома” асарининг роли бекиёслигига яна бир қарра амин бўлишади.

Болаларни ижодга йўналтириш (эртак, ҳикоя, шеър, топишмоқлар ўқишга ундаш), турли мавзуларда иншо ёзишни топшириш, мустақил ишлар, уй вазифаларини мустақил фикрлашга йўналтиришда рамзий ва амалий саёҳатнинг роли бекиёсдир.

ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Илмий тадқиқот иши юзасидан Низомий номидаги ТДПУ қошидаги академик лицейда тажриба-синов ишларини олиб бордик. Тажриба-синов ишлари олдидан академик лицейда она тили ва адабиёт фанларидан дарс берадиган ўқитувчиларга саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Сиз адабиёт дарсларида янги педагогик технологияларни олиб киришга ҳаракат қиласизми?
2. Дарс жараёнида саёҳат дарсларидан ҳам фойдаланасизми?
3. Маъруза машғулотларини ўқувчилар тўла ўзлаштириб олишади деб ўйлайсизми?

№	Ўқитувчининг Ф.И	лавозими	1-жавоб	2-жавоб	3-жавоб
1	Шодмонова З	АЛ ўқит.	Ҳа	Йўқ	Йўқ
2	Жўраева Г	АЛ ўқит.	Ҳа	Баъзида	Йўқ
3	Кулдошева С	АЛ ўқит.	Ҳа	Ҳа	Йўқ

Ўқувчиларнинг назарий билимларини ва уларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун 25 соат дарс кузатдик. 2 та гуруҳда тажриба -синов ишларини олиб бордик. Биринчи тажриба-синов ишларини “А” гуруҳда олиб бордик. Олдинги дарсда ўтилган “Ғ.Ғулом ҳаёти ва ижоди” мавзуси юзасидан ўқувчиларнинг синфда олган билимларини аниқлаб чикдик. Бунда қуйидаги тест, савол-жавоб усулларида фойдаландик:

ТЕСТ

1. Ғ.Ғуломнинг афтобиографик характердаги асари?
 - А) Ёдгор
 - Б) Шум бола
 - С) Тирилган мурда
 - Д) Ўтмишдан эртаклар

2. “Вақт” шеъри кимга бағишланади?
 - А) ўғлиги
 - Б) жиянига
 - С) халққа
 - Д) шогирдлариги
3. “Бир он”нинг баҳосин ўлчамоқ учун нималар керак?
 - А) Олтидан тарозу, олмосдан тош
 - Б) Килолик тошлар
 - С) Ширин сўзлар, ажойиб ҳаёллар
 - Д) Ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди
4. Ёзувчи таржимон сифатида қайси асарларни ўзбек тилиги таржима қилган?
 - А) Лермонтовнинг “Маскарад”
 - Б) Пушкиннинг “Евгений Онегин”
 - С) Шекспирнинг “Отелло”, “Қирол Лир”
 - Д) Г.Гейгиннинг “Қуллар кemasи”
5. Умр дафтари нима?
 - А) Эсдаликлар
 - Б) Ҳаётлик даври
 - С) Қизик воқеалар
 - Д) Тушдаги лаҳзалар
6. Ғ.Ғулом ҳикоялари...
7. Ғ.Ғулом қачон туғилган...
8. “Шум бола” қиссасининг бош қаҳрамони?
9. Ғ.Ғулом асарлари ўз даврининг қайси газета ва журналларидан эълон қилинган?
10. Ғ.Ғулом кимнинг қайси асарини насрий баён қилган?

Тест натижаларига кўра олтига ўқувчи 5 баҳо, саккизтаси 4 баҳо, еттата ўқувчи эса 3 баҳо билан баҳоландилар. Шундан кейин лицей маъмурияти ва фан ўқитувчилари билан биргаликда “Ғафур Ғулом уй-музейи”га саёҳат дarsi ташкил қилинди. Ғ.Ғулом уй-музейига саёҳатга бориб келингандан кейин ўқувчиларнинг билимларини мустаҳкамлаш ва уларнинг саёҳатдан олган билимларини қуйидаги “Ғафур Ғулом изларидан” деб номланган ўйин орқали аниқладим. Дарснинг бошида ўқувчиларга шундай дедим:

–Болалар, синфимиз билан “Ғ.Ғулом уй-музейи”га саёҳатга бордингиз. Лекин баъзи сабабларга кўра музей билан таништирадиган экскурсавод йўқ. Шу пайтда сиз музей билан қандай таништира олишингизни ўйланг ва айтиб беринг...

Ўқувчилар Ғ.Ғулом ҳаёти ва унинг ижоди ҳақида дарсдаги ҳамда музейда олган билимларига таянаб гапириб беришди.

Шундан кейин уларга қуйидаги тарқатма материал тарқатилди:

№	“Вақт” шеърининг асосий мазмуни
1	
2	
3	
4	
5	
6	
7	
8	
9	
10	
11	
12	

Хулоса	
--------	--

Таҳлиллار шуни кўрсатдики, ўқувчилардан саккизтаси 5 баҳо, ўнта ўқувчи 4 баҳо, тўртта ўқувчи эса 3 баҳо билан баҳоланди. Гуруҳдаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 15 % га ошди.

№	Иштирок этган ўқувчилар сони	5 баҳо	4 баҳо	3 баҳо	%
1-синов натижалари	21	6	8	7	67%
2-синов натижалари	22	8	10	4	82%

Иккинчи босқич тажриба-синов ишларини “Б” гуруҳда олиб бордик. “Б” гуруҳ “Абдулла Қаҳҳор” мавзуси юзасидан ўқувчиларнинг маъруза жараёнида олган билимларини баҳоладик. Уларнинг ҳар бирига биттадан тарқатма материал тарқатилди.

Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёт йўли	Қаҳҳор ҳикоянавис
Қаҳҳор драматург	“Сароб” романида инсон психологиясининг очиб берилиши

Ўқувчилар бу жадвални 40 минут давомида тўлдириб беришди. Гуруҳ ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичи 64% ни ташкил қилди.

Учинчи босқични “С” ва “Д” гуруҳларда олиб бордик. Улар билан “Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди” мавзуси юзасидан ўқув режада ажратилган икки соат маъруза дарсидан кейин, амалий машғулотларидан олдин “Абдулла Қаҳҳор уй-музеи”га саёҳат дарси ташкил қилдик. Саёҳатдан кейин амалий машғулот давомида “С” гуруҳи ўқувчилардан «Рефлексия» («Қайта акс эттириш») методи орқали аниқладик. Уларнинг қўлига рангли қоғозлардан ясалган 3 тадан қоғоз тарқатиб чиқдик. Ўқувчилар икки дақиқа давомида Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига тегишли янги 3 та фикрни ёзиб беришларини сўрадим. Айнан такрорланмай берилган маълумот эгасини рағбатлантириш айtilди. Улар дарсликда берилмаган янги фикрларни билдиришга ҳаракат қилдилар. “Д” гуруҳи ўқувчиларидан бир соат давомида “Абдулла Қаҳҳор XX аср ўзбек адабиётининг ифтихори” мавзусида иншо ёзиб беришлари сўралди. Гуруҳларнинг ўзлаштириш даражаси эса қуйидагича бўлди.

№	Иштирок этган ўқувчилар сони	5 баҳо	4 баҳо	3 баҳо	%
“Б” гуруҳ ўқувчилари	27	5	11	11	59%
“С” гуруҳ ўқувчилари	25	5	12	8	68%
“Д” гуруҳ ўқувчилари	26	6	11	9	65%

Тажриба-синов ишлари натижасида шу маълум бўлдики, тажриба сифатида танлаб олинган гуруҳлардаги ўқувчиларнинг назарий билимларини ўзлаштириш даражасининг ортишига муеаносиб, улар эгаллаган билим ва малакалари даражаси ҳам ўсган. Тажриба учун 100 та ўқувчи танланган бўлиб, уларнинг 22 таси “А” гуруҳини, 27 таси “Б” гуруҳини, 25 таси “С” гуруҳини, 26 таси “Д” гуруҳини ташкил қилган. Илмий тадқиқот ишларида илгари сурилган ғояларни академик лицей амалиётига тадбиқ этилиши жараёнида, биз тавсия қилган методик ишланмаларга ҳамда тавсияларга таяниб иш олиб борилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАВСИЯЛАР

Диссертациянинг тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин таълим тизимида туб ислохатлар амалга оширилди. Дарс жараёнининг самарадорлигини ошириш, юқори натижа берадиган яниги дарс усуллари излаш бугунги кун талабларидан бири ҳисобланади. Биз мазкур тадқиқот ишимиз орқали олдиндан мавжуд бўлган саёҳат дарсларини ташкил қилишнинг янгича илмий, назарий ва амалий ечимлари изланди;
2. Ўтказилган илмий тадқиқот адабиёт фанида саёҳат дарсларидан фойдаланиш ижодий тафаккурнинг, оғзаки нутқ ва ёзма саводхонликни таркиб топтиришнинг муҳим омили деган фаразий фикр тасдиқланади.
3. Академик лицейларда назарий билимларни бериш жараёнида анъанавий дарс усуллари билан биргаликда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш юқори иш самарадорлигининг кафолати бўла олади. Бунинг оқибатида ўқувчиларнинг адабиёт дарсларига бўлган қизиқиш ва ҳаваслари янада ортади;

4. Ўқувчиларнинг назарий билимларини пухта ўзлаштиришга эришиш орқали, уларнинг мустақил фикрлаш салоҳияти ҳам ортиб боради. Мустақил фикрли шахсни шакллантиришда самарадорликка эришилади;
5. Саёҳат дарсларидан фойдаланиш ўқув дастурида белгиланган назарий билимлар ўзлаштирилишини муайян тизимга солишда, дарсликда берилган материаллар билан бирга қўшимча манба сифатида фойдаланишда ижобий самара беради;
6. Таълимнинг асосий мақсади ўқувчилар онгида фан асосларини, назарий билимлар, маълумотлар, тушунчаларни сингдириш эмас, балки, бу билимларга таяниб ўқувчиларнинг ижодий тафаккур имкониятларни кенгайтиришни кўзда тутди.
7. Улуғ аجدодларимиз томонидан яратилган маънавий, миллий ва маданий меросимизни жамиятга, ўқувчиларга намоий этиш имконини беради.

Адабиёт фанларида саёҳат дарсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш манфаатини кўзлаб, бир қатор амалий **тавсияларни** таклиф қиламиз. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Академик лицей ва адабиёт музейлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
2. Академик лицей имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бир ўқув йили давомида 1-2 маротаба саёҳат дарсларини ташкил қилиш;
3. Академик лицейларда ДТС талаби бўйича ўзлаштирилиши кўзда тутилган билимлар, кўникма ва малакалардан келиб чиққан ҳолда саёҳат йўналишини белгилаш;

4. Саёҳат режасини олдиндан тузиш;
5. Саёҳат дарсларининг мазмуни, мақсад ва вазифалари олдиндан аниқ белгиланиши;
6. Саёҳат дарсини ташкил қилишдан олдин дарс жадвалиги эътибор бериш.

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИГА ОИД АТАМА ВА
ТУШУНЧАЛАР:

№	ЎЗБЕКЧА	ИНГЛИЗЧА	РУСЧА
1	адабиёт	literature	литература
2	адабиёт ўқитиш	Teaching literature	Обучение литературы
3	академик	academic	Академик
4	академик лицей	Academic lyceum	Академический лицей
5	Анъанавий	traditional	традиционный
6	Асар	composition	произведение
7	Бадий асар	Artistic composition	Художественный произведение
8	Баҳс-мунозара	discussion	Спорить
9	бола	children	Дитя; ребёнок
10	бошқарув	management	Управление
11	Бурч	responsibility	Долг, обязанность
12	Воқеа, ҳодиса	event	Событие
13	давлат таълим стандарти	Standart of public education	Государственный стандарт обучение
14	Дарс	lesson	Урок
15	дарс жараёни	Period of lesson	Учебный процесс
16	Ёзма нутқ	Written speech	Письменная речь
17	Ёзувчи	writer	Писатель
18	ёш авлод	Young generation	Молодое поколение

19	жавобгар	accountable	Ответственный
20	замонавий	modern	Современный
21	ижобий	affirmative	Положительный
22	Ижод	Creative work	Творчество
23	Ижодкор	creator	творец
24	кадрлар тайёрлаш	sequence	Подготовка кадров
25	Касб-хунар коллеж		Профессиональный- коллеж
26	Мазмун-	content	содержание
27	малака, тажриба-	accomplishment	навыка
28	Матн	text	текст
29	машхур	famous	известный
30	Маъруза	lecture	лекция
31	Метод	method	Метод
32	Методика	methodology	Методика
33	Музей	museum	Музей
34	Мулоқат	conversation	Общение
35	мустақил фикрлаш	Independent mind	Мыслить самостоятельно
36	натижа	result	Результат
37	Ноанъанавий	nontraditional	Нетрадиционный
38	Нутқ	speech	Речь
39	Озодлик	freedom	свобода
40	олий таълим	High education	Высшее образование

41	ота-бобо, аждод	ancestry	Предки
42	Оғзаки нутқ	Oral speech	Устная речь
43	Педагогика	pedagogical	Педагогика
44	Саёҳат	travel	путешествие
45	самара, ютуқ-	achievement	Результат
46	Семинар	seminar	Семинар
47	санъат	art	искусство
48	Сўз	word	Слово
49	таъкидламоқ-	accentuate	Утверждать
50	талаб	demand	Требование
51	танишиш-	Getting acquainted	знакомство
52	таълим	education	Учёба
53	тарбия	upbringing	воспитание
54	таълим бермоқ-	educate	Обучение
55	технология	technology	Технология
56	тушунча	notion	Понятие
57	Уй-музей	House museum	Дом-музей
58	Фан	science	Наука
59	фаол	active	Активный
60	фикр	mind	Мысль
61	фикр мулоҳаза	reflection	Рассуждение
62	Хулоса	conclusion	Вывод

63	Шеър	poetry	стихотворение
64	Шоир	poet	поэт
65	эришмоқ	achieve	достигнуть
66	Юксак	high	высокий
67	ўзбек	uzbek	узбек
68	ўқитувчи	teacher	учитель
69	ўқувчи	pupil	ученик
70	қобилият	ability	способность
71	қозонмоқ	score	завоевать
72	қизиқиш	interest	интересоваться
73	ҳаракат	action	движение
74	ҳақида	about	относительно

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.Тошкент: Ўзбекистон. 2010.
2. Каримов И.А. Адабиётга эътибор–келажакка, маънавиятга эътибор. Шарқ Юлдузи. 2009, 3-сон.
3. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Маънавият. 2008.
4. Каримов И.А. Буюк келажак сари. Тошкент: 1998.
5. Адабиёт. Академик лицейларнинг биринчи босқич ўқувчилари учун. –Т.: Чўлпон. 2007
6. Адабиёт. Академик лицейларнинг иккинчи босқич ўқувчилари учун. –Т.: Чўлпон. 2007
7. Адабиёт. Академик лицейларнинг учинчи босқич ўқувчилари учун. –Т.: Чўлпон. 2007
8. Адабиёт. 10-синф учун дарслик. –Т.: Адабиёт ва санъат. 2001
9. Адабиётимиз фахри. Тошкент: Ўзбекистон. 2007.
- 10.Академик лицейлар учун ўқув дастури. –Т.: 2010-бет.
- 11.Адабий таълим ва ёшлар тарбияси. Тошкент: 2010. 3-китоб.
- 12.Асқарова Ў.М, Хайитбоев М, Нишонов М.С. Педагогика.-Т.: Талқин. 2008.
- 13.Бобур З.М. Бобурнома. Табдил. –Т.: Ўқитувчи. 2010.
- 14.Бобур З.М. Сочининг савдоси тушти. –Т.: Шарқ. 2007.
- 15.Бобур З.М. Бобурнома . Тошкент. Юлдузча. 1989.
- 16.Бутаев Ш, Ирискулов А. Инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча луғат. –Т.: Фан. 2007.
- 17.Бухор Юсупов. «Музейимиз юзимиз». Маърифат газетаси. 1999 йил, 27 январь.
- 18.English-uzbek dictionary. –Т.: Янги авлод. 2007.

- 19.Жуманазаров У, Ҳамдамов Ю. Янги педагогик технология асослари (Интерфаол дарслар).-Т.: 2007.
- 20.Зиёдуллаева Г. Она тили дарсларини дидактик ўйинлар асосида ташкил этиш. –Т.: 2008.
- 21.Ўлдошев Қ, Қодиров В, Ўлдошбеков З. Адабий сабоқлар. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун. Методик қўлланма. Тошкент. 2006
- 22.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. –Т.: Шарқ. 2001.
- 23.Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: 1965
- 24.Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. Тошкент. Янги аср авлоди. 2005.
- 25.Мирсолиева М. Педагогика коллежларида ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш. –Т.: 2011.
- 26.Мисирова Ў. Касб-ҳунар коллежларида ўзбек тилини ўқитиш тажрибаси. Тил ва адабиёт таълими. –Т.: 2005, №3
- 27.Мисирова Ў. Гафур Гулом уй музейида дарс. Филологик таълим: Муаммо ва ечимлар. –Т.: ТДПУ. 2004.
- 28.Назаров.С. Адабиёт ўқитиш методикаси. Тошкент. 1993.
- 29.Ниёзов Г, Ахмедова М. Педагогика тарихидан семинар машғулоти. Ўқув қўлланма. –Т.:2010
- 30.Нишонов З.Т. Олий мактаб психологияси. Ўқув қўлланма. –Т.: 2003.
- 31.Ниязметова Т, Мисирова Ў. Саёҳат дарсларида ижодий топшириқлар. Маърифат. 2004. 39-сон.
- 32.Омонов А. «Ўлкамизни ўрганамиз» Маърифат газетаси. 1998 йил 14 март.
- 33.Педагогика –Т.: Ўз файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2010.

- 34.Рахимов Ж. Ўқувчиларни ватанварварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари. Номзодлик диссертацияси. –Т.: 1996.
- 35.Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғат. –Т.: Фан.2008
- 36.Собиров А.Ш «Адабиёт машғулотларида маҳаллий адабий ва маданий материаллардан фойдаланиш» Тошкент-1995 йил (Автореферат).
- 37.Тил ва адабиёт таълими. 2005. №3
- 38.Толипов Ў.Қ, Усмонбоев. М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. Тошкент. Фан. 2000.
- 39.Тошкент шаҳар плани. Ергеодезкадастр. Давлат қўмитаси. 2010.
- 40.Тўйчиева.М.Ўқувчиларни Бобур шахсияти мисолида тарбиялаш. Тил ва адабиёт таълими. Т.:. 2009. 11-сон.
- 41.Тўхлиев Б ва бошқалар. Тил ва адабиёт ўқитишнинг замонавий технологиялари. Тошкент, Баёз, 2011.
- 42.Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: 2010.
- 43.Умумий ўрта мактабларнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Она тили ва адабиёт. 2010.
- 44.Усманова К, Ҳайтов А. Она тили ва адабиёт фанларини ўқитишда таълим технологияларидан фойдаланиш. –Т.: 2011.
- 45.Файзиева Маҳбуба. Она тили ва адабиёт фанидан сўз ўйинлари ва бошқотирмалар. –Т.: 2011.
- 46.Ўзбек адабиёти. 10 –синфлар учун дарслик. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001.
47. Қодиров Б. Ақлий истеъдод ХХІ асрнинг энг қимматли мулкидир. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 48.Қуронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Академнашр. 2010.
- 49.Ғафур Ғулом. Асарлар (10 томли). – Т.: Адабиёт ва санъат, 1-3 томлар, 1992

50. Фуломов С. ва б. Ахборот тизимлари ва технологиялари (С.С.Фуломовнинг умумий таҳрири остида). - Т.: Шарқ, 2000.
51. Ҳамралиев К.У. «Адабиёт ўқитиш жараёнида адабий ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш» Тошкент-1993 йил (Диссертация).
52. Ҳусанбоева Қ. Адабиёт-маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили. Тошкент. 2009.
53. Ҳусанбоева Қ. Ўқитишнинг замонавий методлари ва адабий таълим //Тил ва адабиёт таълими. – 2003, 2-сон.
54. Ҳусанбоев Ж, Тўракулов Х, Алқаров И, Усмонов Н. Педагогика. – Т.: Ношир, 2011.

Алишер Навоий номли адабиёт музейи



Темурийлар тарихи Давлат музейи



Абдулла Қодирий яшаган уй



Ғафур Ғулом уй-музейи



Абдулла Қаҳҳор уй-музейи



Шаҳидлар майдони

